



# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan

ADABIY-BADIY, MA'NAViy-MA'RIFIY, IJTIMOiy GAZETA

2021-yil 16-iyul / № 29 (4636)

## БУГУННИНГ ГАПИ

Сир эмаски, ўтган йилги пандемия шароити сабаб, вилоятлардаги боғдорчилик ва дехқончилик фермер хўжаликлари томонидан бир неча ўн гектарлаб ерда етиштирилган тонналаб сабзавот ва полиз маҳсулотлари далаларда қолиб кетди. Карам, картошка, пийёз ҳосилининг анчагинаси нобуд бўлди. Сақлаб қолганини ҳам дехқон нарҳига чиқариб сотолмади. Бунинг устига, ҳавонинг гоҳ исиб, гоҳ совиб кетиши ўрик, шафтоли, олма-анор, анжир, узум каби меваларнинг ҳосилига жиддий зиён етказди.


## УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ ҲАМ СЎРАНГ...

Ижтимоий тармоқларда эшак-аравага ортилган сабзиди "Ласетти"га алишмаётган дехқон сурати акс этган карикатуралар эълон қилинди. Олма, ўрик, шафтоли ва узум нарҳлари ҳам ҳар йилгига нисбатан юқори бўлаётган. Айни ҳолат ички имкониятларни чуқур таҳлил қилиб, кенг қўламли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ҳамда зудлик билан ҳаётга татбиқ этишни тақозо қилди.

Муаммо ва унинг ечимини узумчилик соҳасидаги ички имкониятлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, бутунги кунда юртимизда фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилмоқда. Бу тармоқда юртимизда 900 минг нафар одам доимий ва мавсумий иш билан банд. Президент Шавкат Мирзиёев расислигида 7 июль кунини мамлакатимизда узум етиштириш, уни sanoat усулида қайта ишлашни ривожлантириш ҳамда худудларда экотуризмни йўлга қўйиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида сўнгги тўрт йилда 52 минг гектар янги тоқзорлар ташкил этилиб, соҳага 210 миллиард сўм миқдорда субсидиялар ажра-

тилгани таъкидландики, бу ҳам жуда катта имконият.

Буни Сурхондарё вилояти мисолида кўрадиган бўлсак, худуди 57 минг гектар майдонни ташкил этадиган Олтинсой тумани яқинда Президентимиз ташаббуси билан тўла-тўқис узумчиликка ихтисослаштирилди. 2020 йил 16 март кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг "2020 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда туманда ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, sanoat, кишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, боғ ва узумзорлардан самарали фойдаланиш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу орқали аҳолининг бандлиги ва даромадларини ошириш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани янада яхшилаш назарда тутилмоқда.



## ЎЗБЕКИСТОН ҚАДРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

### ЖАСОРАТНИНГ ҚАДОҚ ҚўЛЛАРИ



1952 йилнинг айни ноябри. Қаттол тузум далаларни жангоҳга айланган палла. Тўққиз ойлик хомла кўтарган аёл мадорсиз қафлари билан чанокларни пайпаслайди. Бели аралаш си-

миллаган оғриқдан оёқлари ўзига бўйсунмаётгандек. Атрофга боқиб, ундан анча илгарилар кетган шерикларнинг нурсиз рўмолларини кўради. Даланинг тўрт тарафини ўраб турган қари тутлар тўлғокнинг қора тери чаккаси бўйлаб кўз ёши аралаш оқётган аёлга мадад бўлиш, судраб келаётган бир кучоқ пахтасини елкасига олиш учун дала томон силжитгандек. Одам боласининг раҳми келмаган жувонга гўзалар эгилиб йўл очар, шамол қўйлагининг титилган, нам енгларидан тутганча шийпонга тортиқларди.

Шу кунини шийпонда янграган чақалоқ йиғиси қора совук тортиб келаётган далаларга субҳидам бўйини ёйгандек бўлди. Тўп бўлиб шовуллаётган тутларнинг чандир елкаларига гўдак нафаси теккандек енгил тортиди. Ўшанда шу азим далалар ўзи дунёга келтирган гўлакни йиллар ўтиб, шўр бойлаган бағрида хирмон уйишини билармиди...

Терактлар ва мевали дархатлар билан ўралган пахта даласига боқиб дилинг ярайди. Табиатнинг олтин ранглари ўзида жамлаган ушбу манзара муштираб бир аёлни кўриб қирқ беш йиллик захматлари самараси.

## ЗОМИН ҲАЙРАТЛАРИ

### «КҮЁШ ҚАЛАМ ИҶДИ ОЙ ҲРОФИДА...»

Жиззах она Ватанимизга Зомин тоғларидек забардаст ижодкорларни берган шоиртабиат гўша. Адабиётни ёшартирувчи эликсир вазифасини бажарувчи Республика ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари ҳам айнан шу ерда кўз очган. Сангзор дарёсидек маррани юқори олаётган иқтидорли ёшлар, мана, бир неча йилдири, катта ижод майдонга худди шу гўшадан старт олмақда. Ўрикли-

устоз-шогирдлик анъаналарини йўлга қўйиш мақсадида таникли ёзувчи, шоирлар ва адабиётшунос олимлар томонидан маҳорат дарслари олиб берилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан кунт билан саралаб олинган энг сара ёшларнинг асарлари жиддий таҳлил қилиниб, уларга нафақат адабий, балки муҳим ҳаётий сабоқлар ҳам берилди.



сой ҳам Ватан адабиётининг юрагига истеъдодлар оқимини муттасил қўйиб турибди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир Зомин мушоирасига бағишлаб ёзган шеърда жуда жонли тасвирлагандек: «Кўёш қалам йўли ой ўроғида».

Ўзбек адабиётининг йирик намоёндалари Шапроф Рашидов, Хамид Олимжон ҳамда Зулфия-нонимга эҳтиром билан бизнинг бу йилги адабиёт байрамига пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда ҳар доимгидан пухтароқ тайёргарлик кўришди. Айниқса, вилоят ҳокимлигининг алоҳида эътибори ва гамхўрлиги яққол сезилиб турди. Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев ва Зомин тумани ҳокими Алишер Абдуғаниев улкан завқ-шавқ билан шеър ўқитган Ўриклисайдан тез-тез хабар олиб, ижодий парвозга чорловчи сўзлари билан ёшларни янада илҳомлантирди. Сурхондарёлик Бахтиёр бахши Ортоқов дўмбирасини қўлига олиб, эндигина гўра боғлаган ўрикзорини кўздан кечираркан, фавкуллода образ яратди:

**Ўрикнинг бир шохи хўл, биттаси курук экан,  
Ўтган шоирларнинг барчаси тирик экан.**  
Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтганидек, "Зомин" сўзи "Омин"га қўйиб бўлганидан кейин, катта ижодкорлардан дуо олиб, қулочни катта оладиган ёшларимиз ўз вақтида отин камчиллашлари ҳам керак-да. Шундай бўлди: 420та шеърни ёд билиши билан ҳаммави лол қолдирган 9 ёшли Саидкамол Сайдуллаевдан тортиб, 66 нафар семинар иштирокчисининг ёши энг каттасигача ўз истеъдодини тўла намойиш этишга ҳаракат қилди. Ёш истеъдод эгаларини кашф этиш, уларнинг бадий қобилиятини янада ривожлантириш,

Олдинги йиллардагидан фарқли ўлароқ бу йилги семинарда ҳамкор ташкилотлар томонидан юборилган 9 нафар истеъдодли ёш ижодкор — анъанавий кўшиқ ижрочилиги, бастакорлар, кинематография соҳаси ёш ижодкорлари, rassomлар — китобат санъати йўналиши бўйича тахсил олаётган талабалар иштирок этди. Яна бир фарқли жиҳати шундаки, бу йилги семинар иштирокчиларининг аксарияти турли соҳа вакилларидан иборат эди. Шунга қарамай, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги томонидан юқсак савияда ташкил этилган адабиёт ва китобхонлик байрамида ўтказилган адабий кечалар, мушоиралар, ҳужжатли ва бадий фильмлар намойиши ва муҳокамаси, ёш шоир-бастакор-ижрочи ҳамкорлигидаги чиқишлар жараёнида қўлланган истеъдодлар кашф қилинди. Фарғоналик Паризода Рўзибоева, самарқандлик Ситора Шомуродова, қорақалпоғистонлик Мейрамбек Абдуқалиев, хоразмлик Умиджон Кўзиёв, Жиззахлик Умид Қодиров шулар жумласидандир.

Ўриклисайдан кўтаринки кайфиятда кайтдик. Таассуротлар бетақор. Республика ёш ижодкорлари Зомин семинари иштирокчиларининг Ўзбекистон ёшлари муурожаатида таъкидланганидек, «Она табиат бағрида кечган самимий мулоқот ва мушоиралар барчамизга чексиз завқ ва шуқуқ бағишлади. Тўрт кун давомида Зоминнинг пурвиқор тоғлари узра адабиёт руҳи кезиб юрди. Гўё Ўрикли сойнинг мусавффо суви ҳам минг йиллик дoston ва ўланларимиз оҳангини ёдга солиб шеър бўлиб оккан-



дек бўлди». Пойтахтга қайтгач, кўп ўтмай семинар иштирокчиларининг ҳаяжонли соғинч сўзларини эшита бошладик:

«Бу одатим болалигимдан қолган, — дейди ёш ижодкор Халим Малик. — Қай бир жойга борсам, бош кийимим ё қўлимдаги сумкамни, ишқилиб, ниманидир унутиб қолдираман. Уйга келгач, «Э, уним-буним қолиб кетибди», деб юраман.

Жиззах вилояти Зомин туманидаги сўлим «Ўриклисой» оромгоҳида бўлиб ўтган тўрт кунлик дилбар семинардан сўнг, Сурхонимга қайтиб келдим. Ўзим ва онамининг қувончини ёзиб ўтирмай...

Уйга келиб қарасам, устоз ижодкорларнинг олтиндан аъло сўзларини тинглабим, эндигина адабиёт осмонига учигна чоғланаётган қалдирғочларнинг нигоҳларидаги сеҳрли шиддатни кўрибми-ва ёки ёзининг жазирамасида ҳам яшилганиб турган ўрикларнинг сирли шивирини тинглабим, худдас, юрагимни унутиб қолдирибман. Э, в-о-х-х... Бир жониммас, мингта юрагим бўлсаям адабиётга нисор бўлсин. Менинг бу йўлда англамаганларим хали анча мўл. Билганим, бизни яхши кўришди, бир қатра нурдек ижодимизни қафларидан туттишди. Шундай экан, ишонч деган улуг рутбани оқлаш насиб этсин бизга. Раҳмат, устозлар!»

Ушбу самимий дил сўзларига биз ҳам қўшила-

Шухрат АЗИЗОВ



## ШЕЪР ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИДА

Эрта тондан Зомин тоғлари томон йўл олар эканмиз, қалбимда Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Анвар Обиджон, Зулфия сингари улуг устозлар бизга ок фотиҳа бергандек туюлди. Сўлим Ўриклисойга киришим билан уларнинг меҳрини, нафасини ҳис қилдим.

Улкан тоғлар, булоқлар, она табиатнинг бор гўзаллиги шу кунини ёш қаламкашларини ўзига чорлади. Борлиқ шу қадар мусавффоки, шарқирок сойларда пок ва бегубор орзуларим оқайтгандек бўлди. Республикаимизнинг барча вилоятларидан келган ёш ижодкорларнинг кўзига боқсангиз шеърятга ошнолигини, адабиётга чексиз меҳрини кўрасиз. Улар қатори мен ҳам Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз номи билан аталган вилоятдан келиб иштирок этганимнинг ўзи катта бахт. Ўриклисойдаги адабий муҳит, устозларнинг ҳар бир асарга муносабати, ютуқ ва камчиликларни таҳлил қилишлари янги ижод намуналарининг яратилишига туртки бўлди.

Ёзувчи Саид Аҳмад айтганидек, «Журналист адабиётнинг олтин поёндозидир». Биз бўлажак журналистлар мана шу олтин поёндоздан одам ташлаб борар эканмиз, энг аввало ниятимиз холис, сўзимиз кескир бўлиши керак деб ўйлайман. Бу сўзларни Зомин семинарида бўлиб ўтган машғулотлар давомида устозимиз, таникли мунаққид Аҳмаджон Мелибоевдан ҳам тингладик. Семинар ёрқин таассуротларга бой бўлди. Ҳақиқатини халққа етказиб берадиган журналист жамиятининг катта кучи, муҳандиси десак бўлади. Шу маънода, Зомин қалдирғочлари семинари бизни кашф этган бўлса, Ўриклисой табиати ижодкорларга илҳом берди.

Умид СУЛАЙМОНОВА,  
Зомин семинарининг бадий публицистика  
йўналиши иштирокчиси

## ҚАДИМ АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНЛАРИ

Юртимизда қадимшуносликнинг барча жабҳаларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг барақали меҳнатлари туфайли турли даврлар, алоҳида ижодкорлар, ноидир ёдгорликлар, айрим мавзу ва муаммоларнинг муносиб тадқиқ, таҳлил, изоҳ ва шарҳлари яратилмоқда. Шунга қарамай, улар орасида улкан ҳулосаларга, яхлит умумлашмаларга эга ишларнинг умумий ҳажми ҳам, миқдори ҳам кўп эмас. Адабиёт тарихи соҳаси ҳам шу сирага кирди. Ҳар ҳолда Н.Маллаев, В.Абдуллаев, Ғ.Каримов сингари забардаст олимларимизнинг адабиёт тарихининг турли даврларини яхлит ҳолда қамраб олган фундаментал тадқиқотлари, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти томонидан яратилган беш жилдлик «Ўзбек адабиёти тарихи» сингари умумлашмаларнинг яратилганига ярим асрдан ошди. Бундай узоқ вақт оралиғида бажарилган илмий-тадқиқот ишларининг сони ҳам, нуфузи ҳам ниҳоятда катта. Айниқса, мустақиллик даври талқиқотларининг сонигина эмас, сифати ҳам, натижаларнинг қўламини салмоғи ҳам эътиборга лойиқ. Бу борада таълимнинг қўйи босқичлари учун дарслик ва қўлланмаларнинг бир неча авлоди яратилганини, уларнинг тобора такомиллашиб, яхшиланиб бораётганини эътироф этиш жоиз. Шунга қарамай олий таълимда бу борада хали кемтикликлар кўплиги кўзга ташланиб турган эди. Мазкур қўлланма шу кемтикликни қисман тўлдирди билан алоҳида эътирофга молик.



# ЖАСОРАТНИНГ ҚАДОҚ ҚўЛЛАРИ

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Шийон бикинига қўйилган сўрида сабзи кераётган Патила она меҳмонларга кўзи тушиб, хасасини хозирлади. Бу инсон билан илк бор учрашган бўлсам-да, бағримга маҳкам босганча кўришдим. У қўлимдаги коғоз-каламга кўз қирини ташлаб, беихтиёр жилмайди.

— Бу бизнинг очик осмон остидаги “офисимиз”, — деди агрофга ишора қилиб.

\*\*\*

Ўтган йиллар унинг ёшига монанд бардоши, ҳаётга муносабатини ҳам улгайтирди. Қиз ишинин сен-менига бормасди. Чопиқка чиққан шериклари унинг ёнига тушмайман, деб туриб олишарди. Чунки Патила ҳаммадан ўзиб кетарди.

Эшик қоқиб чарчамаган совчиларга ниҳоят “оқлик” бердилар. Бирин-кетин дунёга келган фарзандлари унинг она сифатидаги хислатларини кашф этди. Болаларини кўтиклаб, ҳам рўзгорни, ҳам дала ишини тахт тиндирадди барака тоғур. Шундай эпчил жувонни тақдир “синовларда ҳам эпни кўрай”, — деди чоғи, Патилани турмушининг аччиқтошини тишига босганча, ўттиз ёшида учта фарзанд билан бева қолдири. Ўша рутубатли кунларда у болаларини этагига солиб, кенгликларга бош олиб кетди. Бепоев далада унга дарракш, кетмони суңич қўйди. Патиланинг ғайрати, шижоатини кўрган раис отаси нафақага чиққандан сўнг бригадирликни ҳеч иккиланмай унга топширди.

Очғи, шунча ерни эплашни ўзи бўлмади. Техника топса ишчи кучи етишмас, ишчи кучини тўпласа минерал ўғит муаммо, табиат инжиқлигини-ку, асло сўраманг. Баъзан экинга сувни бир хил тарай деб, тонготаргача пешонасига фонар боғлаб, даланинг у бошидан бу бошигача юриб чиқарди. Яратганининг ўзи бандасининг ҳаракатига яраша бараксини ёғдириб қўйди. Ўша йили биринчи марта режа ортиси билан ажарилди.

Бу аёлнинг бошида не-не савдолар байроқ кўтармади дейсиз. Кенжабой кизи авжи гуллаган чоғида беҳос дард тегиб нобуд бўлди. Уватга муштлаб дод деса, кенгликлардан шовуллаган овоз қайтарди. Бугдой майсасини болам деди, пайкаларни бошини силади, суянса кетмонига, тоғ каби уюлган хирмонига суянди.

Бугун Бувайда туманида 70 гектар ер “Патилахон фермер хўжалиги” номи остида, онамининг меҳри,

меҳнатидан қувват олиб яшнаб турибди. Қишлоқда етмишдан ортиқ одамни иш билан таъминлаб, уларнинг қора қозонига мой қуйиб турган ҳам шу инсон.

— Мен кирк йилдан ортиқ тупрок кечдим, ер билан сирлашдим. Дехкончилик доимий ҳаракат, каттик меҳнат дегани. Табиат дехконни ҳар йили имтиҳон қилади. Айниқса Қўқон шамоли билан келишиш қийин, бу ерларда. Шунинг учун ҳам агрофга дов-дарактларни қалин экканмиз-да. Шу кунгача бировнинг дилсизлигидан зада бўлмадим. Бирок режа бажарилмай халқнинг олдига юзим шувут бўлишдан ҳамиша кўрқаман. Дехкончилик ҳам чегарасиз илм, табиб беморнинг томир уришидан дардини англагани каби тупрокнинг рангига қараб, унга қандай минерал ўғит малҳам бўлишини билишинг, ерининг юрак уришини эшитиб унга уруғ қадашинг лозим.

Ярим аср мобайнида чарчоқ билмай элнинг дастурхонига дон, эгнига шохи ипак қийдирган инсонга ўтган йилларни сарҳисоб қилиш, ўз қалбига, босиб ўтган йўллариға разм солиши учунми тақдир унга хайрли синов берди. Бундан тўрт йил олдин эрта тонгда ёғир сийпалаган йўлакда оёғи тойиб йикилди.

— Шу кунгача лоақал боши оғриган одам эмасман — дейди Патила она. — Мени дугатимда меҳнат таътили, дам олиш куни деган сўзлар бўлмаган. Тўй-тўйчиқлардан ҳам вақтимни қизганаман. Айниқса, мажлисларга боргим келмайди. Шу йилгилиб ётиб қолмагунимча уқол нималигини билибманми...

Патила онанинг қонидаги яшовчанлик, қурашувчанлик ётгани қўямасди. Ҳалол инсоннинг юрагига табиатнинг ўзи қувват бўларкан. Ётган жойида ҳам дала ишларини кўриб, “назорат” қиларди.

— Ўша йилкидан йилим пахта ҳосилим ҳам йиқилиб қолаётди, — дейди ҳазил аралаш. Хайриятки, онаси шугинанинг кунига асқотсин, деб туккан уқаси бор. Патила онанинг бахтига дўппи тор келган қора кунларда иниси унинг жонига ороқиради. Тиришқоқлик, дехкончилик илмида опасидан қолишмайдиган жигарбанди неча йиллардан буён унга елкадош. Шукрки, мустақиллик бизга меҳнат-машаққатларга муносиб кадр берди. Бунинг намунаси Патилахон Эргашевага 2002 йилда “Меҳнат шухрати” ордени, 2010 йилда эса олий эътироф — “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланганидир. — Президентимиз қўлидан олий унвон-

ни қабул қилиб қишлоққа қайтсам, кўча тўла тумонат одам қутлагани келибди, — дед эслайди она. — Уларни уйга олиб кирай десам, жой йўқ. Ўшанда далама-дала юриб, шийпонда тонг оттириб, уй-жойга ҳам тузукрок қарамаган эканман...

\*\*\*

— Буларга хазина жойлаганмиз? — дедим шийпонда қаторасига тахланган қоплару сандиқларга ишора қилиб.

— Булар ишчиларимнинг ризқи. Ҳар хирмон кўтарганимизда олдиндан аъзоларимнинг улущини ажратиб қўяман. Бир йили “плон” тўлиши суствлашгандек бўлудди, ўғлим гўрлик қилиб аъзоларга олиб қўйган бугдойимни қўшмоқчи бўлибди. — Тегма, дедим қўлини силтаб. — Буларнинг ҳалол ишлаб топган ҳаққига хиёнат қиласанми?

Бир қарич ерни-да бекор қўймаймиз. Ўзингиз ўйланг, бир метр жой бир этак пахта, сават тўла нон, деган гап. Дала агрофига қовоқ, тарвуз, қовун уруғи қандаймиз. Ёзда саксондан ортиқ, қиш кунлари қамида йигирма киши учун қозон қайнайди, бу шийпонда. Бу йил қовун, тарвуз, сабзидан уруғчиликка ҳам ҳисса қўшдик.

\*\*\*

Дехкон йўқдан бор қилади. Бу ёруғ оламда аёл, она бўлишининг ўзи бир жасорат, аёл боши билан қиш ичи ерининг шўрини ювиб, эрта баҳордан то кеч қузга қадар тупроғу лўй кечиб, хирмон уюш — чинакам Қаҳрамонлик. Ана шу қаҳрамонликка елка тутайтган ишчилар жамоаси барака бу — ҳалоллик, пок виждонликда эканлигини Патила онадан юқтирганлар. Йиллар давомида кўзининг нури қўчатларга термулиб тўкилган аёлнинг кўнгли ҳам далаларидек бепоев.


Шу ҳаёллар билан хиёбондан ўтиб кетаётсам, қаламинни чаккаси қистириб олган расом йигитнинг ишлари эътиборимни тортиди.

— Опажон расмлар ёқдимиз, келинг истасангиз янгитдан чизиб берамиз, қани нимани чизайлик. — деди у кўзлари торлаб.

— Қўлларни чизинг, — дедим дадил овозда. — Ипакдек нозик бироқ, шўр тупроқда тилим-тилим бўлган аёл қўлларини. Кетмон дастасида қалокка айланган, она халқига бўлган муҳаббати, садоқатини ҳалол меҳнати билан изҳор қилган жасоратли қалок қўлларни чизинг!

Дилшода ЭРГАШЕВА

# УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ ҲАМ СЎРАНГ...



Давоми, бошланиши 1-саҳифада

— Айни пайтда самарасиз эскирган узумзорлар ўрнига интенсив узумзорлар ташкил этиш, самарасиз эскирган боғлар ўрнига янги интенсив боғлар ташкил этиш дастури асосида ишлар ташкил этилмоқда, — дейди бу ҳақида “Халқ ва ҳаёт” туман газетаси бош муҳаррири Нормурод Темиров. — Шунингдек, мазкур қарорда Сурхондарё вилояти ҳокимлиги (Ташки иқтисодий фаолият миллий банки) акциядорлик жамияти, “Асака” ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда Олтинсой туманида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаро-

лар, шу жумладан, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритишлари учун банк ва консалтинг хизматларини кўрсатадиган банк хизматлари офисларини ташкил этиш бўйича тегишли топшириқлар берилган.

Бундан ташқари, Денов, Сарносиё, Узун туманлари аҳолисининг шахсий томоркаларида ҳам узум етиштириш йўлга қўйилган. Демакки, онлайв боддорчиликнинг истиқболли учун маҳаллий боғбонларнинг ҳам ички имкониятларини кенгайтириш лозим. Бу ўз навбатида узум етиштириш ҳаммини ошириб, махсулот нархининг арзонлашувиға олиб келади.

— Ишнинг кўзини билсангиз, узумчилик қони хазина, — дейди деновлик боғбон Изагилло Нормуротов. — Дастлаб, узумнинг янги, серҳосил навларидан бир-икки туп экиб, тажриба орттирдим. Кейинчалик 110 туп топ қўчати етиштириб, 15 сотихлик томоркамни тўлиқ тоқзорға айлантирдим. Томорка агрофидаги йўл четларига ҳам 40 туп топ эқдим. Узум навларидан “Ризамат”, “мерс”, “келинбармок”, “тоифи”, қора ва оқ хусайни, жами ўн навли узум экканман. Тоқзор янгилиги учун ўтган йили ҳосилга қирган 100 туп узумнинг хар тулидан ўрта ҳисобда 45 килограмдан, жами 4,5 тонна ҳосил олиб, 25 миллион сўм даромад қилдим. Бундан ташқари, қатор ораларида ҳам дехкончилик қилдим. Тоқзорни бу йилги совуқдан амал-

Ўзвучи Насриддин Исмоилов “Қаҳрамонлар мангу яшайди”, “Умр дафтари”, “Ватан рамзи, жасорат рамзи”, “Умр лаҳзалари”, “Ховучимдаги хазина”, “Юлдузлар ёғдуси”, “Табобат шамчироғи”, “Кўнгил мулки”, “Охнома” каби китобларнинг муаллифидир.



Қўлимда Ўзвучининг “Ботирларға ўлим йўқ” номли янги асари. Ушбу китобда муаллиф Иккинчи жаҳон урушининг қирғинбарот даҳшатларини қаламга олган. Таъсирлан лавҳаларда ўша муҳиш давр нафасини ҳис этамиз. Кўнгилларда урушга нисбатан нафрат, тинчликка, осейшталликка шукроналик хислари уйғонади.

Китобнинг қимматли томони шундаки, Ўзвучи ушбу асарида Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ўзбекистонлик жангчиларнинг қаҳрамонликларини тарихий ҳужжатлар, уруш иштирокчиларининг хикоялари асосида ёритиб беради. Китобда асо-

ган. Бу қаҳрамон уйни 11 миллил вакилларининг мард ўғлонлари химоя қилдилар. Булар Я.Павлов, В.Глушенко, А.Александров, Н.Черноголов, И.Афанасьев, М.Бандаренко, И.Воронов, Т.Гридин, П.Довженко, А.Ивашенко, Ф.Рамазонов, Н.Мосиашивили, И.Свирин, А.Сабгайда, Т.Мурзаев, А.Чернишенко, А.Шаповалов, И.Хант, И.Наумов, А.Чехов, Г.Якименко, А.Аникин, Киселёв, А.Турдиев, К.Тургуновлар.

Камолжон Тургунов Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманидан, Аҳмад Турдиев Сурхондарё вилоятининг

Камолжон Тургунов ва Аҳмад Турдиевнинг қаҳрамонлиги ҳақида бир саҳифалик мақола берилиши ҳам юртдошларимиз жасоратини тасдиқлайди.

Муаллифнинг ўзи ҳам Афғон уруши иштирокчиси бўлгани учун китобда берилган “Уққа дуч келдим” сарлаҳали хотираларида Афғон урушининг даҳшатли оқибатлари ҳақидаги аччиқ кечинмаларни ётга солади: “Яна кўз олдимда қабримиз манзараси. Оғзи очик, салобатли темирдан ясалган тобут қабр устида занглаб ётибди. Бу тобут Афғон юртидан оналарга армон олиб келган. Қабримиз оралаб юрсангиз, ана шу темир тобутга кўзингиз тушади ва ўша муҳиш онларни, ҳалок бўлган аскарнинг тантанали дафи маросимини эслайсиз. Бу қабримизни оралаган онанинг ҳолатини тасвирлаб бўлмайди. Ҳали қирқка қирмай сочларини қиров қоплаган онанинг йўл қараб қўзлари хиралашган. Жасад

# БОТИРЛАРГА ҲАҚИҚАТ

сан Иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилиш ясаган Сталинград жанги ёритилади. Сталинград учун бўлган жангларда фашистнинг энгилмас сифатида ном қозongan 6-армияни мағлубиятга учраган. Минглаб немис аскарлари ва офицерлари асирға олинган.

Шундай қаҳрамонлик жангларидан бири “Павлов уйи” учун бўлган жанг ҳисобланади. Совет Иттифоқи Маршали В.И. Чуйков бу ҳақда шундай эслайди: “Сталинградда душманга қарши жанг қилган жангчилар ва командирлар инсоннинг қурби етмайдиган бўлиб туйилган вазибаларни бажардилар. Тақдирлашга муносиб минглаб фактлардан биттасини келтириб ўтаман. Гитлерчилар Голландия билан Бельгияни босиб олишга 19 кун сарфлади, 44 кун ичида Францияни истило қилди, эндиликда бутун дунёга машҳур бўлган “Павлов уйини” эса фашистлар 58 кун штурм қилдилар, ammo бу уйни химоя этган кичик бир гарнизоннинг сабот-мағонатини бука олмадилар: “Павлов уйи” остоналарида унинг химоячилари гитлерчиларни шу қадар кўп ер тишлатдиларки, вермахт Европадаги баъзи йирик шаҳарларни йиғил қилиш вақтида ҳам бу қадар кўп одамни йўқотма-

Денов туманидан. Ўзбекистонлик бу қаҳрамонлар “Павлов уйи” химоячилари сифатида жаҳонга машҳур бўлди. Уларнинг тақдирини не кечди? Аҳмад Турдиев уйига ётган хатида, “Павлов уйи”да чақалоқ тутилган, ҳамма уни Зина дейди. Мен эса “Зиндаги” атадим, деб ётган. Зинанинг кейинги тақдирини нима бўлган? Зина Камолжон Тургуновнинг кизи, қанақасига? Нега бу тўрт қаватли бино “Павлов уйи” номини олган? Аҳмад Турдиев “Ўлиб, тирилган...” кейин нима бўлган? Мазкур асарни ўқиган китобхон шу каби саволларға жавоб топади.

“Матбуот саҳифаларида” бўлимидаги “Волга дарёсидаги жасорат”, “Ўзбек отахони — Россиянинг энг эъзозли кишиси”, “В русском доме” мақолалари ҳам “Павлов уйи” химоячилари Камолжон Тургунов, Аҳмад Турдиев ва бошқа ўзбекистонлик жангчиларнинг жасорати ҳақида ёзилган.

Ўз даврида мамлакатдаги энг оррули “Правда” газетасида анча-мунча одам ҳақида тўрт жумлани ёзиб чиқариш машаққат бўлиб турган бир пайтда газетанинг махсус муҳбири В.Ряшин томонидан газетанинг 1983 йил 4 январь сонида “В русском доме” деган сарлаҳа билан ўзбекистонлик

ўрнига бир сиким тупрок қўмилган. Қабр устида чўкка тушиб тиловатға қўл очади. Ўрнидан туриб, телбаларча қабрдан узоқлашади. Йўқ, — дейди, — унинг юраги, — болам ўлмаган! У эртага бағримға қайтиб келади! Бу қабрда менинг болам эмас, бир сиким тупрок ётибди!”

Хурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Иккинчи жаҳон урушининг 75 йиллиги муносиб нишонланди. Шу муносабат билан пойтахтда мухташам “Ғалаба боғи” бунёд этилди. Булар, албатта, бир томондан, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига нисбатан катта ҳурмат ва эҳтирмининг бир белгиси бўлса, иккинчи томондан, келажак авлодлар бу урушни асло эсидан чиқармасинлар, деган маънода ниҳоятда оқилона бир қарордир.

Буюк Ғалабага ўзбекистонликларнинг қўшган ҳиссаси бекиёс. Бу китоб ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасоратидан бир лаҳза бўлиб, бутунги ёшларимиз қалбига миллий гурур, ифтихор, ватанпарварлик каби туйғуларнинг ривожига хизмат қилади, деб ўйлайман.

Абдулла ОРТИҚБОВ,  
истеъфодаги генерал-майор

# КИЧИК КЎЗГУДА КАТТА ҲАЁТ

Адиб Мухтор Худойқуловнинг “Муюлишдаги уй” романи мутолааси чоғида Катта Фарғона канали бўйида жойлашган Жалойир қишлоғининг салкам юз йиллик даврдаги воқеа-ходисалари кўз ўнгимиздан кинотасмасидай ўтади. Қизғи, шу таъсирлардан ўлкамизнинг катта тарихи мана шундай қишлоқлар билан чамбарчас боғлиқ эканлигига, юртимизнинг хар бир нуктаси қайсибир жиҳати билан мамлакатнинг улкан тарихий манзарасини ташкил этишига ишонч пайдо бўлади. Мана, масалан, Жалойир қишлоғига яқин Мингбулак деган мавзедан бир замонлар Искандар Зулқарнайн лашкарлари ўтган экан. Бу “Искандар йўли”ни муаллиф эринмай бутун тафсилотлари билан баён қилади. Демак, мозийга даҳлдор экандирки, халқ хали-ҳамон бу ҳақда эслайди. Роман бош қаҳрамони Мулла Худойкул аълам Аҳмадқул ўгли дастлаб Қўқон мадрасасини хатм қилган, Бухородаги машҳур Мирараб мадрасасига йўл олади. Йўлда “Бобурнома”да тилга олинган “Ҳодарвеш” чўли ҳамда Жиззах воқеалари эслаб ўтилади. Уларға муносабат билдирилади. “Мирараб” мадрасасида Мулла Худойкул мўътабар саналган китоблари, бундан ташқари Беҳил, Фузу-

лий, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Аҳмад Ясавий қўлиёларини мутолаа қилади. Бундан кўриниб турибдики, илм билан машғул инсонга, албатта, қамолот эшикларини очилмоғи тайин. Бухоро ҳақида гап кетганда, албатта, мозийнинг машҳур шахслари ётга келади. Биз романда мулла Худойкулнинг Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби шахслар ҳақида воқеа жойида туриб қилган фикр-мулоҳазалари, жорий воқеаларга муносабатини ўқиймиз. Бу лавҳалар табиийлиги, ўша фозили замонларнинг маънавий қиёфасини тасаввуримизда жонлантиришга маълум маънода ёрдам беради. Муллавақчаларнинг жадидлар намоёниси — Мунаввар қори билан жонли мулоқоти ва умуман Худойкулнинг жадидлар ҳақидаги мулоҳазалари кизиқчи уйғотади китобхонда.



Қаҳрамонимизнинг оиласида тўққиз фарзанддан икки нафари яшаб қолгани ҳам беихтиёр Абдулла Қаҳҳорнинг оилавий мусибатини ётга солади. “Бир сиким тутмайиз...” хикоясида уруш йилларининг оғирчилиги бутун фожияси билан тасвирланади: “Одамлар нон тополмасдан қипик, қунжара ейишяпти экан. Ажирикнинг томири-

ни даладан топиб тозалаб, қуритиб, теғирмонда тортириб нон қилиб еганларни ҳам кўрдик... Бугдой унга озгина арпа ёки бугдой кипиғи қўшиб нон ёпамиз. Аммо болаларим тоғимдан ўтмапти деб тижирлик қилишади...”

Муаллиф бир ўринда иккинчи жаҳон уруши лавҳаларидан баҳс этиб, тоғаси хикоясидан парча келтирди: унда снражд қорнини ёриб, ичак-чавоғи очилиб, ўлим билан олишяётган аскар ҳолати тасвирланади.

Муаллифнинг маънавий бадиий маҳорати салкам юз йиллик воқеа-ходисаларни саралаб, ўқишли қилиб ёзишга имкон берган. Романда яхлит сюжет йўналиши бор. Воқеалар, қаҳрамонлар ҳаёти ва кечинмалари тадрижийлик билан баён қилинган. Лекин, назаримда, бир мавзунинг икки-уч киши томонидан алоҳида-алоҳида баён қилиниши бироз тақрорларға олиб келган. Аммо тасвирдаги тинчлик, образлардаги самимийлик, лозим ўринларда қулги, тарихий аниқлик, ўтмиш шахсларнинг ва воқеаларнинг ҳолис тасвири роман бадиийлигини таъминлаган жиҳатлардир.

Ҳошимжон АҲМЕДОВ,  
Алшпер Навоий номидаги  
Тошкент давлат ўзбек тили ва  
адабиёти университети  
катта ўқитувчиси

лаб сақлаб қолдик. Аммо кўпчилик катта ер эгалари ҳосилни қисман бўлса-да бой берди. Шунинг ҳисобига бу йил узумнинг “Ризамат ота”, “мерс” ва “келинбармок” навлари 10 мингдан 14 минг сўмгача, бошқа навлари ҳам 3 мингдан 8 минг сўмгача сотилди, деган тахмин бор. Ўтган йил ўртача нарх 3 мингдан 7 минг сўмгача эди. Назаримда, банкдан кредит олиб, фаолиятини кенгайтириш фурсати етди. Шу боис, айни пайтда 2000та қаламча тайёрлаб, туман ҳокимидан 2 гектар ер сўраб турибман.

Жаҳон бозорида ҳўраки узум савдоси мевалар ичида учинчи ўринда бўлиб, хар йили унга бўлган талаб 350 миллион долларға ўсмокда. Буни теран англаган айрим тадбиркорлар маҳаллий бозорда харидори кам, доналари

йирик-йирик, арзон узумнинг данагини олиб ташлаб, ўрнига қишмиш жойлагани ва “икки қаватли” майзини қиммат нархларда Россияға экспорт қилганиға ҳам кўп бор гувоҳ бўлганмизки, бу узумчилик соҳасининг ёркин истиқболидан дарак.

Шуни ҳам унутмаслик керак, узум бўйича Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини келгуси тўрт йилда 600 миллион долларға, майиз бўйича 500 миллион доллар ва табиий винода 100 миллион долларға етказиш мумкинлиги ҳисоб-китоб қилинган. Бундай ички имкониятлардан унумли фойдаланмаслик, узумини еб боғини сўрамаслик мумкинми?

Нафақат узумчилик, боғдорчиликнинг бошқа тармоқлари, хуёусан, аграр

соҳаға иқтисослашган вилоятларда картошка, пиёз, сабзи, қарам, булғор қалампирини сингари дехкончилик махсулотларини ҳам қуритиб, қайта ишлаб хорижға экспорт қилиш имкониятлари жуदा кенг. Боғдорчилик, дехкончилик, умуман, аграр соҳанинг истиқболига янгича ёндашув. Ўзбекистоннинг ташқи бозордаги экспорт салоҳиятини оширишга қолмай, ички бозордаги нарх-навоининг арзонлашуви, қолаверса, исрофгарчиликнинг ҳам олдини олишға хизмат қилади. Шундай экан, “узумини енгү боғини сўраманг” нақлини моҳиятан ўзгартириш фурсати етди, дейишға тўла асослар бор.

ШАЗИЗОВ

# ЗОМИН ҲАЙРАТЛАРИ

## ШОНЛИНИНГ ОППОҚ ҚЎЙЛАРИ

### ТОНГ ОТИШИ

Қора қўйлақни кийиб,  
Шошди, югуради.  
Тўқилиб кетсин, дея  
Сепкиллини ювади.

Қишнинг соғинчларини,  
Жимликларни қўйлади.  
Вақт – кампир ювиб қўяр,  
Оппоқ бўлар қўйлаги.

### ДАДА

Ичингизда қолар дуоларингиз,  
Мен эса телбадек шошганим-шошган.  
Сўз кийнар, сўз қайнар ичимда,  
Халқнинг юрагига тошганим-тошган.

Ташвишлар келиси қўлимда,  
Хасратларни янчганим-янчган.  
Тонгларимнинг соғинчларини  
Юрагимга санчганим-санчган.

Соқларингиз оппоқ гуллади,  
Тўқилганги елкаларимга.  
Овангизга ўхшаганим рост,  
Ишониммас эркалигимга.

### КЕРАКСАН

Баҳорнинг мен учун келгани ёлгон,  
Осмон йиғламайди, эрмаги ёлгон,  
Ёлгон келганларнинг, севганинг ёлгон,  
Ёлгондек кераксан, менга кераксан.

Хато кутганларим, соғинчим хато,  
Орзуларим хато, қувончим хато,  
Кўрганларим хато, тушларим хато,  
Хатодек кераксан, менга кераксан.

### МУҲАББАТИНГ...

Мен сени севганим, эй, мерган,  
Кўкси қон қуш каби қуладим.  
Юрагингни чўқсиларига  
Уй қурмадим, қура олмадим.

...Яраланган нигоҳим билан  
Хавотирини ёриб учяпман.  
Осмонлар ёрилиб кетдим,  
Хаволарда тўзим мунчалар?

Муҳаббатинг денгиздир... йўк... йўк...  
Сузишни билмайман... қўрмаман...  
Қоғоздан ясалган кемадек,  
Ишққа чўкиб кетиш бир қадам.

Вароғи йўқ китобдек,  
Ўйларим чалқашади.  
Тоғдек гердайиб турсан,  
Шамол ҳам адашади.

Пастда кўр, хокингда кўр,  
Ҳавоман, эзилмайман.  
Кўзни юм, кўнглингни оч,  
Кўринсам, сезилмайман.

### НОМА

Рухингизни чўқтираверманг,  
Ичингизда денгиз шовуллар.  
Айтиб берди холатингизни,  
Йиғламсираётган шамоллар.

Барно ОБИДЖОН кизи

Ойгул СУЮНДИҚОВА

## СЕНСИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ, ВАТАН



ЎЗБЕКИСТОН  
МАНЗАРАЛАРИ

1

Гулбахор, ҳаётбахш ёмғирларинг бор,  
Борлиқни яшнатгай, эркалаб суйгай.  
Сочилик кетади биллур томчилар,  
Чор-атроф лолалар атрини туйгай.  
Дарахлар шивирлаб силкинганда шўх,  
Ол шафак нурларни ойдидан ойдин.  
Юракда хайратнинг чегараси йўқ,  
Қаршингда – кечалар уйқусиз, ёрқин.  
Хар қадам, хар ўйга йўғриллар нурлар,  
Тупроқ кўчаларга уланган қирлар.  
Умр йўли – қувонч, армон, туйғулар,  
Йўлга чиққанингни гўёки билар.  
Умрим табиати, баҳордай тўлдинг,  
Болалик – жамалак сочли кизалоқ.  
Шамоллар сен билан қўшилиб қулди  
Томларни безаса долақизгалдоқ.  
Чамандай очилди хислар – гулларинг,  
Ватан тушунчасини англаб етган кун!

2

Табиатда маъсум табассум. Соқин  
Янги тонг олдидан салқин ҳавода  
Кўёш чиқишдай юракка яқин  
Энтикиб кетасан – ҳаёт. Сабода  
Таниш, жуда таниш куй таралади,  
Анхорларни бўйлаб куз жим келади.  
Учқур шамолларни қузатиб олис  
Япроқлар титрайди ўтинчли хисда.  
Ёмғирдай тўқилар-тўқилолмас сўз,  
Бошинг айланади боғдаги исдан.  
Қушлар сайрай-сайрай учинган чоғлар  
Олмос канотига қуёш нур боғлар.

3

Мен кийёс изласам, Сиздан бўйладим  
Умримга, қалбимга, қошу кўзимга.  
Ватандан сўзлашса, Сизни қуйладим,  
Кўёшу ой каби айтар сўзимга –  
Она Ўзбекистон манзаралари!  
Ёмғирдан сўнг хўшбўй тупроқдан оқар  
Кўклар таронаси. Тиник сувлари.  
Кўзинг хавосида дардим ярқираб  
Хисларимнинг абад пок сулувлари –  
Она Ўзбекистон манзаралари!  
Майсазор, дарахтзор, қир-адирларнинг  
Кўёшли халға тўла қучоғи.  
Табиат бағрида пинхон сирларнинг  
Қанча очсанг, шунча йўқдай адоғи –  
Она Ўзбекистон манзаралари!

### ТУЙГУЛАР

Сенсиз яшаб бўлмайди, осмон,  
Севимлисан – чексизликлар ёр.  
Хаёлларинг сочилади шоён  
Шу хис этгай мени бахтиёр.  
Сенсиз яшаб бўлмас, муҳаббат,  
Сев-ла улуг аёллик умрим.  
Мени сира тарк этмайди бахт,  
Болаларим – қалдирғоч, қумрим.  
Сенсиз яшаб бўлмайди, Ватан,  
Кўёшлисан, далаларим кенг.  
Салқа бўлсин бу жоним, бу тан-  
Бешиқларим, аллаларга тенг!

\*\*\*

Кун санайман, унинг ордидан туниги,  
Гоҳо табассум-да, гоҳ ҳазин қўйлаб.  
Қўлимда кўтардим ёруғ бугунни  
Олис йўлга чиқсан халға ийлаб...  
Шамол уйғотади сочимни силаб,  
Издан хавасли ўйлар сурури.  
Яна оқшом келар юракни ўртаб,  
Ўртаб юборғудай ойдин ва нури!  
Узоқ тикиламан олис самога,  
Йиғладимми, дея сўрар юлдузлар.  
Шунда сингиб кетгим келар ҳавога,  
Шунда бағримдаги шамоллар бўзлар.  
Йиғлама, бу ғамлар ўтиб кетади,  
Фақат қўявди соқларинг оқи.  
Фақат эрта қушлар сени қутади,  
Фақат кетолмайсан сойларда оқиб...  
Йироқ-йироқларга тикилар қўзлар  
Тунги сўқмоқларда тонгини қуттали.  
Менинг билан бирга кетар юлдузлар  
Тунги азобларни жим унуттали...

### ЧОНГ СУК ХЕ

Бу никоҳ маросимимиз нишонла-  
нишидан аввалги Янги йил байрами  
эди. Эрим таклиф қиритиб қолди:  
– Гважон боғига кетдик!  
– Нега? – деб сўрадим.  
– Янги йил байрамида узоқ саёҳатга  
бора олмасак ҳам, ҳеч бўлмаса яқинда-  
ги боғни айланиб келайлик.

Ўша пайтлар эрим университетда  
ўқирди, кечалари мижага қокмасди, ай-  
ниқса, қуңдузи узоқ йўл юриб холдан  
толари. Унинг ҳаёти сахар соат беш  
яримда туриб ишга, ўқишга бориш,  
кечаси соат ўн иккида уйга қайтишдан

– Ўша ерда кутиб тур! Бошқа ерга  
кечиб қолма! – деди.

– Нега?  
– Бу сир.  
Узоқдан ниманидир астойдил ясаёт-  
ган эрим ва отасига таклид қилаётган  
ўғилчам охири мени қақшириди:  
– Бу ёққа келинг. Сизга совға бера-  
ман.  
– Нима экан у?

Яқинлашган сари қувониб борар-  
дим. У оппоқ қор рангидеги барглари  
йиғиб, улар билан ёзганди: “Тўйимиз-  
нинг икки йиллиги муборак бўлсин!”

Барг битик! Бундай совгани хато ҳаё-  
лимга ҳам келтирмагандим. У пальтосини

## УНУТИЛМАС КҮН

иборат эди. Ҳафтанинг иш кун-  
лари ҳам, ҳато дам олиш куни  
ҳам уй вазифасини бажаргач,  
тош қотиб ухларди. Аммо бугун  
у ўзида куч топди.

Анъанамизга кўра қорбобо синга-  
ри кийиниб, Гважон боғида бир кун  
сайру саёҳат қилдик. Карол қўшнани  
қуйлаётганларга тўла шовқин кўчага  
караганда катта боғ тинч ва осойишта  
эди. Кенг майдонни кечаги қор қоплаб,  
атроф оппоқ кўрнарди.

Ҳали из тушмаган қор устидан  
кетаётган болажоним ва эрим кўзла-  
римга жуда бахтли кўринди. Болақай  
оппоқ қор устига сакраб тушиб, ку-  
либ юборди, отаси эса унинг ордидан  
шошди...

Бирдан эрим узоқдаги қортепа усти-  
га ўтирганча:

### ХИКОЯ

кор устига ёйиб, устига иккига  
нон ва елим халгани қўйди ва  
биз Янги йил тортидан тоғиб,  
байрамни нишонладик.

Оппоқ қор устидаги ўша совға кўз  
ўнгимда мавжланган дақиқалда лаб-  
ларимга табассум югуриши, кўзла-  
римда илқиклик жўш уриши нима са-  
бабдан экан?

Эрим жилмайиб сўз бошлади:  
– Жоним, сиздан узр сўрайман. Бай-  
рамда сизга ҳеч нарса тухфа қилолма-  
дим. Чиройли совға бермоқчи эдим,  
аммо сиздан оладиган хар кунги ари-  
мас 1500 вонга сотиб олиш мумкин  
бўлган кадрли нарса топилмади. Сиз  
мени тушунинг.

Корейс тилидан  
Мукаддасхон ТАЙЛАНОВА  
таржимаси



Пайшанба куни Сохибага хайитлик келди.  
Мавжуда ая қуда тарафни яхшигина сийлаб  
жўнатди. Эртаси эрталабданок келини бил-  
лан ҳолва бўлишга киришди. “Ҳолва бўлиш”  
шундай нарсани, елимхалталарга хайитлик-  
ка келган ҳолвалардан, ширинликлардан уч-  
тўрт бўлакдан солиб чиқилади-да, қўни-қўш-  
ни, қавм-қариндошга улашिलाди. Бирон  
таниш қолиб кетмайди. Оз-оздан бўлса-да,  
улашिलाди. Чунки, гап миқдорда эмас, ният-  
да. Хайитликдан татиган борки, ният қилади.  
Ёш киз бўлса, ўзига бахт сўрайди, она бўлса  
кизига ёхуд келинига бахт тилайди. Ёш бола-  
лар эса хурсанд бўлади. Хайитлик тарқатиш  
яхши одат. Бахонада йил бўйи қўришмаган  
опа-сингиллар, ёр-биродарлар дийдорлаша-  
ди. Мавжуда ая ҳам хайитлик тарқатишнинг  
шу томонини яхши кўради. Ишни кечиктир-  
май эрталабдан бошлади. Қолаверса, Сохиба  
тўнғич набираси.

Ая дастлаб набираси Рауфжон билан уй-  
ма-уй қириб қўшилганга хайитлик тарқат-  
ди. Узоқроқдаги қариндошларга ўғли, яна  
бир-иккитасига келини олиб кетди. Сохиба  
ҳам уч-тўрт дугонасига улашди. Охирида  
фақат аянинг шаҳарда яшайдиган ўғли билан  
кизига аталган хайитлик қолди. Мавжуда ая  
уларни ўзи олиб бормоқчи. Бахонада набира-  
ларни кўради, ҳаво алмаштириб қайтади. Ўғ-  
лининг “Яқинбағача сабр қилсангиз бира  
бориб келардик” дейишига қарамади. Йўқ, ай-  
нан шанба куни бориш керак. Ҳафта охирида  
уйда бўлсин, бунинг устига, ўша куни аянинг  
туғилган куни. Ая бир неча йилдан бери туғил-  
ган кунини нишонламаса-да, бу йилгисини  
бошқача қилмоқчи. Чунки, пайғамбар ёшига  
етяпти. Қариндош-уруғларга кичикроқ йиғин-  
ча қилиб бериш ниятида маслаҳат солиб кўр-  
моқчи. Тўнғич ўғил Рустамжонга айтди деса,  
ўғлининг ишлари юришмай турганга ўхшайди.  
Камига тўй бошлаб қўйган. Сохибани узатиш  
керак. Қисқаси, унинг ташвиши ўзига етар-  
ли. Умид ўқтамжондан. Ўқтамжон кенжаси,  
шаҳарда яшайди.

Мавжуда ая Ўқтамжоннинг уйига кириб  
келганда қуёш одам бўйи кўтарилган, ҳаво-  
нинг тафти анча баланд эди. Дабдалаи холи-  
ни гир айлантириб қурилган иморат атрофдан  
соя солиб турар, текис қирқилган майсазор,

тувакдаги гуллар ҳовлини саришта ва тартибли  
кўрсатса-да, кўрган одамга аллақандай давлат  
идорасиними, ёки меҳмонхонами эслатарди.  
Мавжуда ая уй ичкарига кирди. Бу ерда ҳам  
ҳеч қимнинг қораси кўринмади. Ая останада  
тўхтади.  
– Но-зи-маа.  
Ҳеч қим жавоб бермади.  
– Нозима-ю.  
Ичкаридан аввал қаравотнинг ғирчилла-  
гани, кейин оёқ товуши эшитилди. Сал ўтиб  
йўлак бошида келини кўринди.  
– Вой, ассалому алайкум, ойижон, – деди у  
қўлидаги рўмолини бошига ўраркан.  
Ая келини билан кўришиб, унинг кистовида  
ичкарига кирди. Мафтунахон тезда дастурхон

## ҲАЙИТЛИК

тузашга тушди.  
– Буни қаранг-а, ойи. Ўғлинигизни  
тонг сахарда ишга қузатибману шу  
билан кўзим илқинибди. Бугун дам  
олиш куни. Шунга бемалол бўлиб-  
ман-да.  
– Ҳа, майли. Хижолат бўлманг, келин, –  
деди ая.

Ошхона бетартиб эди. Сочик солинган  
шкафнинг эшиги очилиб, ичкарига сочликлар  
бетартиб осилиб ётар, газлифта устидаги қозонда  
чўмич қолган. Стол устида чойнак, ичкада чой  
қолдиғи қотиб қолган иккита пиёла тонг сахар-  
да чой дамланганини фош этганча шум-  
шайиб турарди. Мафтунахон апил-тапил чой  
дамлади, дастурхонни турли ширинликларга  
тўлдириб ташлади. Неваралар ҳам бирин-ке-  
тин кўзини ишкалай-ишкалай кириб келишди.  
Мавжуда ая невараларини кўриб, кўнгли очил-  
ди.

– Икки кун олдин Сохибага хайитлик келу-  
ди. Шунга тарқатиш бахона келавердим, – деди  
ая неваралари билан қуришгач.

– Ҳа, яхши қилибсиз, ойи. Ўзи невараларин-  
гиз ҳам сизни жуда соғинишган. Аслини олган-  
да-ку, хайит куни ўғлинигиз билан сизни кўр-  
гани бормоқчи бўлиб турардик, лекин коллектив  
билан ўтиришлари чиқиб қолибди.

– Тушунаман, кизим. Ишли одам шу-да.  
– Бугун ҳам каллаи сахарлаб чиқиб кетди.  
Хар куни шу. Эрта кетиб, кеч қайтади.  
– Шанба куни ҳам ишлайдими?  
– Шанба-ку шанба, ҳатто яқинбағача куням  
дам олмайди кўпинча.  
Мавжуда аянинг шашти пасайди. Кечга қол-  
масдан кишлоққа қайтиш ниятида эди, Ўқтам  
коронги тушганда келса, кейин нима қилади?  
Камига кизи Марғубаникига ҳам кириб чиқиши  
керак.

Ўқтамжон шомга яқин уйга кириб келди.  
Она-бола юзма-юз ўтириб, узоқ гаплашиш-  
ди. Аммо на Ўқтамжон, на Мафтуна эрта-  
га қандай қунигини эсламади. Аянинг ўзи  
ҳам ноқамтарлик қилиб айтишни ўзига эп

кинмас. Сана ёнига тушса бўлди, аниқ эслайди.  
Эсласа... ая кизига дилига тугиб қўйган ниятини  
айтади. У ёғини Марғубанинг ўзи Ўқтамжонга  
етказди”.  
Киз тушмагур хол-аҳвол сўраб бўлгач, у де-  
ди-бу деги, ахирини гапни ўзи тарафга буриб,  
кўнглидан эрдан нолишга тушди. Ундан кейин  
рўзгор камни битмаётганидан дийдиб қилди. Ка-  
лазаледек хона аянинг юрагини сиккандек бўлиб,  
бироз безовталанди. Кизи бўлса ҳамон нолишда  
давом этар, уни тинглай-тинглай чарчаган ая ко-  
ронги тушмасдан кишлоққа қайтишини эслатди.  
Марғуба кўярда-қўймай, аянинг олдига овқат  
келтирди. Ая бир-икки қошиқ тотган бўлдию,  
юзига фотиҳа тортиди.

– Мен бораё. Ўзи шундоғам кечга қолдим.  
– Бир кунгина қолсангиз бўларди, ойи. Эр-  
тага эрталаб қувингиз обориб кўярди.  
– Майли, кизим. Ўрганган жойим. Биласан,  
бегона жойда кўзимга уйқу келмайди.  
Ая эшик зулфинини тўширганди ҳамки,  
Марғубанинг қовилққан овози эшитилди.  
– Воой, ойи. Буни қаранг, сал қолса ёдимдан  
чиқай дебди...  
“Эслади, – ҳаёлидан ўтказди ая, – ва ниҳот-  
ят...”  
– Марямнинг хайитлигидан бериб юбор-  
моқчимдим. Ҳозир, икки дақиқа кутиб туринг.  
Аянинг хафсаласи пир бўлди. Шу тобда  
турмуш ташвишларига ўралашиб қолган кизи-  
дан ҳам, бир неча йиллардан бери туғилган  
кунини нишонламай қўйган ўзидан ҳам ранжиди.  
– Мана, ойи. Кишлоқдаги қариндошларни-  
кини ҳам соқдим. Ўзингиз узатарсиз.  
Марғуба хайитлик солинган оғир сумкани  
аяга узатди.

Мавжуда ая кизиникидан чиққанда, ал-  
лақачон шом тушган, хира қўқимтир осмонда  
яккам-дуккам юлдузлар милтиллаб турарди.  
Ая одамлар гавжум йўлдан хайитлик солин-  
ган оғир халтани кўтарганча, аста одимлаб  
бораркан, ранжиган дилида ўқсинишми, ха-  
фагарчиликми туйди. Қўлидаги ўзининг ўр-  
нига эсланган хайитлик кўзига хунук кўришиб  
кетди.

Ирода БЕКМУРОДОВА,  
Самарқанд давлат университети  
талабаси

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Уч жилдан иборат, энг қадимги замонлардан XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврни қамраб олган "Ўзбек адабиёти тарихи" дарслиги муаллифи филология фанлари доктори, профессор Насимхон Раҳмонов номи юрtdошларимизга яхши таниш. Адабиётимиз тарихининг энг қадимги давларини, хусусан, тош биткилар даври ёдгорликларини мунтазам ўрганиб, бу борадаги қўлпаб мақола ва тадқиқотларини эълон қилиб, факат юртимизда эмас, балки хоржкий мутахассислар томонидан ҳам эътирофларга сазовор бўлиб келаётган олимнинг фанимиз, маданиятимиз тарихига оид кузатишлари хар доим янгилиги билан ажралиб туради.

Козогистоннинг Алмати шаҳрида чоп этилган ушбу китоб адабиётимизнинг энг қадимги давларига хос хусусиятлари тавсифи билан бошланади. Унда адабиёт тарихини даврлаштиришнинг ўзига хос намунаси ҳам берилган. Илк бадий тасавурларнинг ёзма ифодалари, "Авесто" ва "Олтун ёруғ" асари ўртасидаги алоқадорликлар, "Олтун ёруғ"нинг яратилишида "бунок кўчиш" даврида Туронзаминдан борган аждоғларимизнинг хиссаси ҳақидаги мулоҳазалар жиддий кузатувга, пухта мантиска асосланган кишини хурсанд қилади.

Қўлланмада энг қадимги давлардан бошлаб XV асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга доир материаллар қамраб олинган. Унинг асл мазмунини уч қисмда тақдим этилган. Биринчи

омадаги киритилиши ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Исломининг қириб келиши ўрта Осиёда азалдан анъанавий тарзда давом этиб келган маънавий жараёни янада юксакликка қўтаргани ҳеч кимга сир эмас. Қўлланмада илк уйғонинг даврида яратилган асарлари: Ибн Синонинг бошқа бадий асарлари қатори, "Хай бининг Яқзон" (Уйғок ўғли тир-ки) тарихини таҳлили, исмоилийлик мазаҳбининг айрим шоирлар ижодига таъсири ҳақидаги фикрлар диний-фалсафий оқимларнинг ёзма адабиёт ривожидидаги ўрнини кўрсатишга қаратилган. Ушбу тамойил Қорахонийлар, Олтин ўрда даври ўзбек адабиёти ҳақида сўз юритилганда ҳам талабаларга, ҳам ўзбек адабиёти тарихи ихлосмандларига мос тарзда давом этирилади.

Айрим назарий маълумотлар билан бирга Юсуф Амрий, Яқиний, Аҳмадий, Хайдар Хоразмий, Лутфий, Гадий, Саккокий, Атойи, Хофиз Хоразмий, Саид Қосимий сингари сиймолар тавсифи ва уларнинг асарлари тарихида бундай янгиликларнинг салмоғи анча баракали.

Фандаги охириги янгиликларни дарслик мазмунига сингдиришда астойдил ҳаракат қилинган Сайфи Саройи, Кутбнинг "Хусрав ва Шири" достони, нома, мунозара ва фард жанрларининг ўзбек адабиёти тарихидаги ўрни ва аҳамияти ёритилган саҳифаларда, айниқса, ёркин намоён бўлган.

Ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар муаллифдан хар доим мос ва муносиб намуналар танлаганини таъказо этади. Н.Раҳмоновнинг бу борадаги ишлари таҳсинга лойик: у хар қандай ҳолатда ҳам манба ва материалларга жиддий қарайди, уларнинг орасидан саралаб олинмаган мисра, байт ва парчаларнинг мавзу ранг-баранглигига, таълимий ва тарбиявий жиҳатларига алоҳида эътибор қаратади. Натижда дарслик адабиётимиз тарихининг ўзига хос тарғиботчиси вазифасини ҳам муносиб тарзда адо этадиган даражага келган.

Шу ўринда дарсликдаги ифода мароми, баён тарзида алоҳида тўхтаб ўтиш жоиз кўрилади. Профессор Н.Раҳмонов кўпроқ факт ва далилларга, уларни тақдим қилишда эса илмий изчиллик ва теран мантиска таянади. Айни пайтда уларнинг тушунарли ва энгил ўқилишига ҳам эътибор беради. Мисолларда бадий тасвирнинг мароми ва таъсирчанлиги уларни ўқини янада ёқимли интелектуал-маънавий машғулота айлантиради. Ўқини асосида талабаларнинг эрк ва озодлик, ахиллик, ҳамжихатлик, ватанпарварлик, эзгулик, гўзаллик ҳақидаги билим ва тасавурлари кенгайтирилади, она тилимизнинг кучи, қудрати, гўзаллиги ва латофатини аниқроқ, теранроқ хис қилиш имконлари ортади.

Талабада муайян мавзу ва муаммолар ҳақидаги билимларни ҳосил этилиши учун Олтин ўрда адабий мухитининг Мисрда ташқил қилинган Мамлуқлар давлатида (XIII ўрталари) давом этганини кўрсатиш ҳам ўринли бўлган. Олтин ўрдадаги, Мамлуқлар давлатидаги маданияд-адабий мухитнинг ўзбек адабиёти тарихига бевосита дахлдорлиги исботланган экан, асосий урғу асарларнинг тил хусусиятларига берилди. Зеро, манба шундай катта ҳудудларда яратилган асарларни бирлаштирувчи тил - ўғуз-кипчак адабий тили эди. Айни мана шу нуктага назар адибёт тарихидаги янгича талкин, янгича қарашларнинг яна бир намунаси бўла олади.

Боқижон ТЎХЛИЕВ,  
филология фанлари доктори

# ҚАДИМ АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНЛАРИ

Таъкидлаш лозимки, Насимхон Раҳмонов ўзбек адабиётини хоржкий мамлакатларда, хусусан, Туркия ва Козогистонда мунтазам тарғиб қилиб келаётган мутахассислардан биридир. Унинг Козогистонда 2018 йили Туркий халқлар ассамблеясининг кумуш, 2021 йил олтин медалига сазовор бўлгани ана шу хизматларнинг ўзига хос эътирофидир.

Н.Раҳмонов адабиёт тарихини ёзиш учун жуда узок муддат давомида анча жиддий тайёргарлик қўрди. Дастлаб қадимий ёдгорликларнинг мазмунини ва моҳиятини пухта ўрганди. Уларнинг бадийлигига оид илмий-тадқиқот ишларини амалга оширди. Олий таълимда самарали фаоллиқ юритиб келаётган мутахассис сифатида мазкур жаҳдадаги етишмовчиликларни кўриб, кузатиб келди. Шунга қўра, унинг "Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 1 жилд" (хаммуаллиф Қ.Болтабаев, 2003), "Ozbek mumtoz adabiyoti namunalari (Toldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashri, 2005), "Ўзбекистоннинг қўча на туркий-рун ёзувлари" (Б.Матбоёев билан ҳамкорликда, 2006), "Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. 2-жилд, 2007) каби китоблари юзага келди.

Айни пайтда "Turk dunyasi edebiyati" (1-11 cilt, TICA Ankara, 2002 (Б.Қосимов ва бошқалар билан ҳамкорликда, 2002), "Ўзбек тили тарихи" (дарслик, Қ.Солиқов билан ҳамкорликда, 2009), "Ўзбек адабиёти даврлаштириш масалалари" (2016) каби китоблари ҳам янги дарслик ёзиш йўлида тайёргарлик даврининг муносиб намуналари бўлгани табиийдир. Бу ишлар олимнинг кишиқизи доираси, дунёқароши кенглиги ва ранг-баранглиги, илмий салохияти ҳақида ҳам яхши тасаввур беради.

қисм исломгача бўлган давр адабиётини ташқил этади. Муаллиф бу қисмда қадимги миф ва афсоналар борасида баҳс юритади: шомонлик, монийлик, буддавнийлик оқимларидида қадимги туркий адабиёт намуналарини таҳлилга тортади. "Хуасту-анифт" (монийлар маджнамоси), "Тонг тангрисига маджна", "Олтин ёруғ", "Майтри смит" ("Мойтўра билан учрашув") сингари асарларнинг илмий-адабий таҳлили олий таълим тизимидаги талабалар учун илк марта тақдим этилмоқда. "Майтри смит" драмасининг (IX аср охири) қўлланмага киритилгани талабаларнинг қадим адабиётимизнинг адабий жанрлари тизими ҳақидаги тасавурларини кенгайтиришга хизмат қилади. Биринчи жилд Газнавийлар даври адабиёти таҳлили билан якун топади.

Иккинчи жилддан Қорахонийлар даври билан Олтин ўрда даври адабиёти таҳлили ўрин олган. Юсуф Хос Хожибининг "Қутадғу билиг", Махмуд Кошғарийнинг "Девоно луғот-турк", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳиббат ул-хаккойк" асарлари ва Аҳмад Яссавийнинг беазир хикматлари фанимизнинг кейинги ютуқлари инобатга олинган ҳолда талкин этилган.

Айрим асарларнинг ("Олтин ёруғ", Махмуд ибн Али ас-Саройининг "Наҳж ул-фародис" ("Жаннатларнинг очик эшиклар") илк марта адабий манба сифатидаги мазмунини ва моҳиятини ёритишда дарсликдаги жиддий янгиликлардан бири сифатда қабул қилиниши лозим. Айрим тарихий асарларда адабий манбалар (Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадонийнинг "Жомеъ ул-таворих", Мирзо Улуғбекнинг "Тўрт улус тарихи" асарларидаги ҳадис ва тарихий-адабий парчалар)нинг илмий му-



Дарсликда илмий фикр-мулоҳазалар изчил ва ягона мантиска ипига тизилган. Бу исломгача бўлган даврда ижодкорлар меросини ўрганишда, алоҳида асарлар таҳлилида ҳам, ислом даври намуналарида ҳам бир хилда, узвийлик ва узлуқсизликка қатъий риоя қилинган тарзда ўз ифодасини топган.

Ўзбек адабиётининг географик доирасини талабалар аниқроқ тасаввур этилиши учун Олтин ўрда адабий мухитининг Мисрда ташқил қилинган Мамлуқлар давлатида (XIII ўрталари) давом этганини кўрсатиш ҳам ўринли бўлган. Олтин ўрдадаги, Мамлуқлар давлатидаги маданияд-адабий мухитнинг ўзбек адабиёти тарихига бевосита дахлдорлиги исботланган экан, асосий урғу асарларнинг тил хусусиятларига берилди. Зеро, манба шундай катта ҳудудларда яратилган асарларни бирлаштирувчи тил - ўғуз-кипчак адабий тили эди. Айни мана шу нуктага назар адибёт тарихидаги янгича талкин, янгича қарашларнинг яна бир намунаси бўла олади.

Дарсликнинг учинчи жилди те-мурийлар даври адабиётига бағишланган.

Космосга учиб учун, аввало, «Парвозларни бошқариш маркази»да маълум вақт тайёргарликдан ўтишлари каби Жалолддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндаги» асарини тушуниш учун ҳам махсус тайёргарлик кўриб, имтиҳондан ўтиш ва ундан кейинги-на парвоз қилиш мумкин.

Жиддий мушоадаларнинг туб моҳиятига элтувчи нозик иборалар, қўп маъноли сатрлару жумбок-ли матнлар аклини шоширади. Ундаги фалсафа, ус-луб ҳайратланарли, аксарият ҳолларда факулотда зиддиятли маълумлар ичра чалқибди қоласан киши. Қайта-қайта ўқийсан. Шиддатли фикрлар руҳингга, онгу тафаккуринга бир шўнғиб, ташқарига чиқиб кетаверди. Шираси руҳингга қолади. Масаси ўртайди. Такрор уринасан. Гаввосдек маъно денгизига шўнғийсан юзага чиқиб қолаверасан. Бу жараён бутун мутолаа давомида қайта-қайта такрорланади. Ўқининг сайин руҳингга қандайдир ўзгарини рўй беради. Худди зинадан юқорилаётгандай. Қўркасан: «Давоимни ўқисамми?» Румий эгани тир тунда уй-ғотиб юборади. Қатига хатчўп солинган китоб ўзига имлайверади. Доншиманд яна сабоқни бошлади. Ҳар бир харфи бетакрор маъноларга эга матн онгу қалбингни буткул ишғол қилади. Сен шўнғинган ум-мон харғида «акд», «фаросат», «мушоҳада», «моҳи-ят», «ботин», «зоҳир» сингари кўзни қамаштирувчи дурлу гахларлар пайдо бўлади. Ҳаммасини қўйингга солиб чиқкинг келди. Аммо оғирлик қилади. Оз-оз-да, кўтарганча юкланасан. Уйлайсан: «Асар қанақа жанрда? Тасавуфи е фалсафий мушоҳада? Балки

## АНГЛАШ ИЗТИРОБИ

илмий-фалсафийдир». Менингча, бу Одамнинг дунёга келиши, яшashi ва кетишининг асл моҳияти ҳақидаги абадий дастуридир.

Ҳақиқат аччиқ бўлади. Румийнинг ҳақиқати ширин. Уни тушуниш азоб, тушунасан роҳат. Румийча-сига айтганда, бу «деворлари тикан билан ўралган гўлзор». Бирон жойда шайтон ҳақида ўқимадим. Ўртанишлари ҳақиқий ошкिल्дир. Улуғ зот қалбига ишқи илохийдан бўлак ҳеч ким, ҳеч нарса сиймайди. Ишққа шўнғалик фарқи, шайтонга жой йўқ.

Румий фалсафаси, магнитининг оҳанрабоеси бор. Ўзига тортади. Сен излаб юрган саволга жавобни дўнда қилиб айтади-қўяди. «Деди: «Унга ярашмаган бир ишни кўрдим». Дедик: «Яхши, аммо онангни эмас, етти эт беғонани ўлдирсанг бўлмасми?» Деди: «Хар қуни биттадан ўлдирайинми?». Бу билан Румий нима демоқчи: барча яхши ёмон истаклар, хою хавасларнинг онаси - нафс. Келадиган ҳамма бало ҳам нафсдан. Шу боис, оқибатни эмас, асосий сабабини тузатиш керак.

Румий нафс тарбияси борасида «Авалло, нафсингдан бошла» ҳадисини келтириб, одамларга ёқимли бўлиш назариясини илгари суради. «Анбиё ё авлиёлар ҳам менга ўхшаган одам, уларнинг ҳам икки оёғи ва икки қўли бор эди. Улар барчага суюмли бўлди-ку, юрган йўлларида эшиқлар очилди-ку. Мен нималар қилиб қўйдим? Нега мени ҳеч ким ёқтир-

майтми?» Инсон ўзига мана шундай саволлар билан мурожаат қилиб туриши керак.

Ҳаққа йўл топган зот тўғрисида: у мендан яқинроқ, қадрироқ дейишинг - янгилик. Чунки унга яқинлик фақат ва фақат етарли даражада унга қулик қилиш билан бўлади. У денгизнинг кирғоғини инжуларга тўлдирди. Тиканга гўл хилъатини (кийимини, тўнини, - таржимони) кийдиради. Бир ховуч тупроқка ҳаёт, ризқ бағишлайди. Ҳеч қандай гаразисиз, ҳеч қандай алоқасиз ҳолда бутун оламнинг жузлари ундан на-сиба олади. «Одамларга фалон шаҳарда бир сахий зот эхсон қиялти» десанг чопиб кетишади. Бирок Оллоҳнинг беазир лутфидан хабарлари бўлгани ҳолда нечун ундан тилашмайди? Сен ҳам ҳеч нарсадан умид қилмайсан-да, танбаллик билан: «Оллоҳ иста-са, менга ўзи беради», дейсан. Итнинг ақли ва идроки йўқ. Шундай бўлса ҳам, очикиши билан одамнинг олдига келиб, ноён бер дегандек ҳаракат қилади. Сен итдан ҳам тубанмисан? Ахир у ерда ётволди: «Агар иста-са ўзи менга беради», дейишга рози бўлмай, одамга ёлворяпти. Думини уйнатиб сўраяпти. Сен ҳам шун-док қил. Оллоҳдан иста ва тиланки, бундай ато соҳиб-нинг хузурда тиланчилик қилиш айни муддаодир».

Лазиз ТАНГРИЕВ,  
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси

## Адиб Омон Мухтор таваллудини 80 йиллиги

Омон Мухтор "Шарк юлдузи" журналининг наср бўлимини бошқараётган кезлар эди. У киши ниҳоятда меҳнатқаш эди. Қачон хузурига кирсан рўчаксини китирлатиб ёзаётган бўларди. Менга ҳам хар қуни, албатта, нимадир ёзиш кераклигини кўп таъкидларди. Бу гаплардан кейин уйлашиб қолганимда бир гал шундай деган эди: "Менга устозим, академик Матёкуб Қўшқонов шундай ўргат-

харакатларига берафқ қараб тўғри баҳо беролмаганларидан ўқинган пайтлари ҳам бўларди. "Булар ўқимайди. Мумтоз адабиётни ҳам, жаҳон адабиётини



## АКА МАҚОМИДАГИ УСТОЗ

ган. Одам бир-икки кун ёзмай қўйса, қўли ёзишдан чиқиб қолади, дерди у киши".

Бу пайтда аввал назмда анча пухта бўлган акамиз насрда ҳам кўпчиликини доғда қолдириб ижод қилаётган эди. Турли нашриётларда китоблари тез-тез чоп этилаётган устоз янги асарларини бизга ҳам илиниб, дастхат битиб совға қиларди. Орадан бир оз ўтгач, уни ўқиган-ўқимаганимизни, албатта, сўрарди.

Омон Мухтор журналга бош муҳаррир ўринбосари, бош муҳаррир бўлиб ишлаган чоғларида романчилигимиздаги ўзига хос янгиликларга ҳам дадил қўл урди. Баъзи ижодкор тенгдошлари, дўстлари ақининг сазй-

хам", дерди ўқинч билан. Бошқаларни билмадим-ку, бироқ мен акадан меҳнатсеварликни, муаллифлар билан ишлашда ўта эҳтиёткорликни ўргандим. Дўстларга садоқатнинг юксак намунаси гувоҳи бўлдим. Бирор-бир дўстининг беморлигини билган заҳоти биринчилардан бўлиб ёрдамга ошиққанини кўрдим.

Омон ака назмда ҳам, насрда ҳам сермахсул ижод қилди. Бу ҳақда адабий танқидчиларимиз кўп ва хўп ёзишган. Бугун ҳам бу борада улар гапирганлари маъқул. Мен эса ука сифатида у киши ҳақида икки оғиз гапиргим келди. Баён қилмоқчи бўлганим эса айни ҳақиқат, унда заррача ҳам қўшиб-чатиб йўқ.

## «АКАНИНГ ЖИНОЯТИ»

Кооператив уй сотиб олганимга ҳали унча кўп бўлмаган, биринчи бадалдан сўн бошқа тўловга имконин йўқ эди. Шу ташвиш туфайли кайфиятим ҳамин қадарлигини кўриб бош муҳаррир ўринбосари сабабини сўради. Мен бўйнимда уй тўлови бўлган қирк олти минг сўм осилиб ётганини айтдим. У кезлар бу каттагина пул эди.

Тушдан кейин ўринбосар ака раҳбарнинг олдига кириб, бир неча кундан буён менин кайфиятим йўқлигини, боиси уй тўлови ҳақидаги ташвиш эканини айтибди. Омон ака шу заҳоти мени чакриршини буюрибди. Хонадан чиққини билан йўлда бош муҳаррир хонаси қотган хисобчимизга қўзим тушди. Бош-лашиб қабулга кирдик.

- Хўш, укажон, — деди Омон ака менга қараб, — ишлар қалай?
- Яхши, — дедим одатдагидай.
- Уй масаласида муаммонгиз бор экан...
- Ҳа, — дедим томоғимга бир нарса тикилгандай.
- Кайфиятни бузманг. Бу масалани ҳал қиламиз, укажон, — деб Омон ака хисобчимиз Люба опага қаради.
- Любахон, хисобчимизда қанча пулимиз бор?
- Хисобчи опамиз қатта дафтарини очиб қарақай бошлади. Керакли саҳифани тоғди чоғи, акага юзланиб хисобот берди:
- Эллик минг пулимиз бор.
- Ҳа-а, яхши, — деди ака чўзиброк. — Ўшандан қирк олти мингнинг Юсуфбекнинг уй тўловига ўтказинг.

Хисобчи опа ўтирган жойида бир сапчиб тушгандек бўлди.

- Аман Сулейманович, икки кундан кейин ходимларнинг ойлик маошини беришимиз керак. Бу пул ўшанга зўрға етади.
- Майли, маошга пул топамиз, ҳозир эса бу йигитнинг ишини ҳал қилайлик. Ходим хотиржам бўлмаса, қандай ишлайди. Ишида унум бўлмайди-ку. Бўла қолинг. Хўжагани тайёрланг, мен қўл қўйиб бераман.
- Хисобчимиз калтираганича ўрнидан турди.
- Аман Сулейманович, мен бундай қилолмайман. Бу жиноят.
- Люба, — деди Омон ака столга бир уриб, — бу жиноятлигини мен ҳам билман. Уни эса сен эмас, мен қиламан. Керак бўлса, ўзим жавоб бераман.

Хисобчимиз "хўп-хўп" деганча чиқиб кетди. Мен эса ўша кунни уй тўловидан тўла-тўқис қутулдим. Омон ака эса елиб-югуриб, икки кундан кейин ходимларга маош сифатида берилиши керак бўлган пулни ҳам тоғди.

Омон ака билан у киши нафақага чиққунча бирга ишладик. Юқорида айтганимдек, у кишидан кўп нарсани ўргандим. Айниқса, Бухорони яхши кўриши ва фахрланиши ҳавас қиларли даражада эди. Бирор билан гапи тўғри келмай қолса, юзига дангал айтиб қўя қоларди. Пайсалга солиб ўтирмасди. Иш бўлгандан кейин шу-да. Гоҳо бизга ҳам қаттиқ тегиб кетган пайтлари бўларди. Аммо сўлғмай ўзи келиб елкамиздан кучиб: "Боя бироз кишиқиб кетдик, а, укажон", деб қўнғимиздаги дилхираликни тарқатиб юборарди. У киши ҳалол ва адолатпарвар эди. Биздан ҳам шуни талаб қиларди. Ҳар гал у кишининг бирон хайрли юмуш билан бандлигини кўрганымда қўнғлим ривчан тортарди.

Омон ака адашмасан "Мисол учун" деб гап бошлашини яхши кўрар, "Агар" деб бошланмаган жумлани унча хушламасди. Шунинг учун мен ҳам уни қўллагим келмади. Ака мақомидаги устоз қаёт бўлганларда шу қунарларда саксон баҳорини қаршилаган бўларди. У кишини қўлаш учун бутун Бухоро кўчи келарди. Мен эса доимидек дуодаман: "Ака, устоз, охиратингиз обод бўлсин!"

Юсуф ФАЙЗУЛЛО

ланинг навбатдаги ҳазилмама сўзлари. Бирок қофияда у ва сафдошлари жуда жиддий бўлишган. Хусусан, Ҳамид Олимжон. У қофияни ўзлаштиришда қаттиққўл Фитрат домланинг таълими олган эди.

Бугунги адабиётда ҳам қофия - ўзбек шеърятининг оҳандор садоси, шоирона сўзининг хусн-жамоли. Мансур Жума, Жўрабек Жаҳон, Рустам Мирвоҳид, Бобур Элмурод, Эъззо Абиджонов, Шавкат Одилов каби ёшлар, уйлашимизча, қофиянинг нозик жиҳатларидан воқиф. Улар қўллаган тўлик қофиянинг хузурбахшигидан ҳам ижодларидан форсийча намуналар таржима қилганман. Бирок баъзи тўпламларини арақлаб "мулкнинг-мулкни", "севи-сезги", "саломат-хурофот", "эр-талаб-доналаб" сингари зўрма-зўраки "қофия"ларни (бундай мисоллар анчагина) ҳам кўриб, дил хира бўлади.

Айни дамда қофияга берилган, маъно-мазмунга эътибор бермайдиган қофиябозлар ҳам йўқ эмас. Шеърятнинг энг биринчи талаби - шакл ва оҳори тўқилмаган мазмуннинг мутаносиблиги.

Фарб шеърятда мазмун биринчи ўринда турса, Шарк шеърятда мазмун баробарида қофияни бағоят зарур деб ҳисоблайди. Қофия - қалб ва руҳиятнинг янроқ навоси. Бир шоиримиз айтганидек, шеъринг қандай бўлишини, мусқасини ва ҳатто шаклини ичингда яралган оҳанг белгилаб беради.

Мухаммад Юсуфдан бир намуна:  
**Не қиларди онам бўлса, отам бўлса,  
Суяб турса, уймада  
тўй-мотам бўлса...**

Оч қофиядан қочинг, дейман ёш ижодкорлар дўстларимга. Лекин устувор (тўла) қофиянинг ҳам ўзига хос мавқео макомини унутмаслик керак. Пушқин ишора қилганидек, қофия тўлик бўлса-да, "бири иккинчисини талаб қилверса", (масалан, "гул" - "булбул"), "ватан" - "чаман"ни ва ҳоказо), яъни сийқаси чиққан, меъдага теккан бўлса, ҳеч қачон баён хусни, қалб ва хиссиётимизнинг хуш ёқувчи садоси бўлолмайди.

Мухаммад ШОДИЙ

## МУШОҲАЗА

Ёшлар шеърятига ҳамаша кизиқманман. Меҳр ва мухаббатга, вафо ва садоқатга йўғрилган қалб кечинмаларининг шеър суратидаги гўзал жил-васидан кўз қувнайди. Лекин қўнғлим тўлмаган вақтлар ҳам бўлади. Хусусан, қофиядан. "Шеър-ку ёзамиз. Қофияни биланми?" дегим келмади ёш шоирга. Унинг эса: "Вазнин, радиф ва қофияни билмаган шеър ёздими ўзи?" дейиши муқаррар.

Вазн, айниқса, арузни "олий математика"га ўхшатишади. Мураккаблиги шу даражадаки, шу вазннинг тартиб-қондалари, меъёр-талаблари, баҳр

ва руқларига доир Шамс Қайсий Розийнинг "Ал-мўъжам" асарини бугунги кунда санокли адабиётшунос олимлар, арузшунос мутахассисларгина тушуниши ва ундан фойдаланиши мумкин.

Ўтган аср бошларидан Европа поэзияси таъсирида урфга кирган бармок вазни ўтган давр мобайнида тақомилга етди. Бугунги кунда ҳам шоирларимиз асосан шу вазнда ёзади. Айтиш мумкинки, шеърятта ошно хар бир ижодкор турли даражада "бармок" "техникаси"дан оғох.

Қофияга жиддий талабнинг тоҳида оқсаётгани ўз даврида Пушкинни ташвишга солган. У шундай деб ёзган:

"Уйлашимча, шу кетишда биз янги шеърга мурожаат этамиз. Қофия рус шеърятда жуда кам. Бири иккинчисини талаб қилади. "Пламень" албатта, "камень"ни ўзига тортса, кетидан "чувство" ва "искусство" намоён бўлади. "Любовь" ва "кровь", "трудный" ва "чуждый" кимнинг меъдасига тегмаган?"

Фитрат, Чўлпон, Усмон Носир каби улуғ шоирлар ўз ижоди баробарида Фарб шоирларидан намуналар таржима қилишда устувор қофияларни қўллашган. Бир сўзини қофияси учун қўп захмат чеккан жойлари бўлган, бир-бирларидан ёрдам сўраган. Масалан, "чодра" сўзига қофия қидириб юрибман, деган

экан Усмон Носир ўша пайтдаги ёш шоир Ҳамид Фуломга.

Омон Мухтор ўз хотираларида қайд этишича, бош муҳаррирлар байрам сони учун Гафур Фуломдан шеър сўрар, шеърларини олиб келиш ёш шоирлар зиммасида экан. Гафур ака шу вазифа юзасидан уйига кел-

Рус замини кўплай буюк шоирларга доялик қилган. Хусусан, XIX асрда А.Пушкин, М.Лермонтов, Н.Некрасов, А.Фет, В.Брюсов каби атоқли шоирлар рус шеърини осмонда чараклаган бўлса, XX аср бошларида А.Блок, В.Маяковский, С.Есенин, А.Ахматова, М.Цветаева шеърини майдонига гуриллаб кириб келган.

# ХУРФИЖРНИ СЕВГАД ШОИР

XX асрнинг иккинчи ярми ҳам рус шеърини учун жуда сермахсул давр ҳисобланади. Сталин каттагонларидан кейин олтинчи йилларда янги бир авлод адабиётга кириб келди. Шулардан бири Евгений Евтушенко ҳисобланади. Ўз даврининг пешкада шоирларидан бўлган Евгений Александрович Евтушенко 1932 йил 18 июлда хаваскор шоир Александр Гангус ва Зинаида Ермолаевна Евтушенко оиласида дунёга келган. Оила 1944 йилда Иркутск областининг Зима станициясидан Москвага қайтгандан сўнг шоирнинг онаси унга кизлик фамилиясини берган.

Бўлажак шоир Москвадаги 254-ва 607-мактабларда анча бўш, паст баҳолаб ўқиди. Дастлаб кашпофлар уйдаги шеърини тўғаради иштирок этади. 1948 йилда 607-мактабда ўқиб юрган кезларида у синф журналини ёкида гумон қилганида ва 15 ёшда мактабдан ҳайдалади. Табиийки, бу ёшда у ҳеч қаерга ўқига ва ишга қабул қилинмасди. Шунда онаси уни танишига тавсия хати билан Қозоғистондаги геология-кидирув экспедициясига ишга жўнатади. Москвалик ўн беш ёшли ўспириннинг бийдай саҳрога келиб, тирикчилик қўйиға тушганини фақат тасаввур қилиш мумкин, холос. Кейинчалик у Олтойда ишлади. 1949 йилдан бошлаб шоирнинг илк шеърлари эълон этила бошлади. Яна бир кизик ҳолат, Е.Евтушенконинг илк шеъри "Советский спорт" газетасида эълон қилинган.

Бўлажак шоир, гарчи етуқлик аттестати бўлмаса-да 1952 йили А.М.Горький номидаги Адабиёт институтига қабул қилинади. Интизомга риоя этмагани ҳамда Владимир Дудинцевнинг "Ғафат номининг ўзи кифоя эмас" романини кўллаб-қувватлагани учун у талабалар сафидан ўчирилди.

Айтиш керакки, 60-йилларнинг бошлари рус шеъринида чинакам юқалиш даври бўлиб, бу пайтда Б.Ахмадуллина, А.Вознесенский, Б.Окуджава, Р.Рождественский, Е.Евтушенко каби шоирлар омма орасида жуда маълум ва машҳур бўлишган. Чиндан ҳам бу шоирларнинг шеърлари, аввалки давр шоирлари асарлари билан таққослаганда, шаклан ҳамда мазмунан бутунлай янгича, ўша давр гоиларига нисбатан исёнкор ва энг асосийси, хурфижрлик, демократия тамойилларига ҳамоханг эди.

Шаклан ва мазмунан дейишимизнинг боиси шуки, шўро воқелигида оғизда, телевидение ва матбуотда жамиятнинг гуллаб-яшнаётгани, тез орада коммунизм қурилиши айтилса, бир ёқда жамият ва меҳнаткаш халқнинг аҳоли мактанлари эмасди. Сўзда халқлар дўстлиги ҳақида гапириларди-ю, аммо амалда рус шовинизми давом этарди. Мамакатда эркин фикр юритувчи, давлат сиебатини танқид қилувчи зиёли ёки ижодкор каттик жазога мустаҳқик эди. А.Сахаров каби олимлар, Б.Пастернак, В.Солженицин, И.Бродский каби адиб ва шоирларнинг қисмати бунга яққол мисол бўла олади. 60-йилларнинг илгир шоирлари шўро тузумининг камчилик ва нуқсонларини кўра олди ва буни ўз ижодида акс эттирди.

Айнан Е.Евтушенко ижодида тўхталадиган бўлсақ, унинг илк китобиға хатто Сталинин шарафлаган шеърлар ҳам киритилганиға гувоҳ бўламиз. Коллаж, "Козон университет" поэмасининг бир боби бутун дунё пролетариатининг "доҳийси" Ленинга бағишланган. Шоирнинг ўзи таъкидлашчиға, булар-

нинг барчаси шўро даври ташвиқоти ва тарғиботининг хосиласи ҳисобланади. Шоирнинг илк шеърларида олтинчи ва ёрғ келажакда ишонч туйғулари бирмунча бўртиб тургани кўринади.

Кейинчалик, шоир ижодида катта бурилиш юз бериб, у ўша 60-йилларнинг бошидаёқ "Бепоев Советлар мамлақати"нинг заиф ва оқиз томонларини очига киришади. Е.Евтушенко ўз даврида маъжуд сиебатта муҳолифат даражасида фаолият юритган "Юность", "Новый мир", "Знамя" каби журналлар билан яқин ҳамкорлик қилди. Совет диссидентлари И.Бродский, В.Солженицин, Даниэл каби адибларни кўллаб-қувватлаши ҳам уни омма орасида машҳур қилган. Шунга қарамадан ўз замондоши, XX аср рус шеърининг атоқли вақили И.Бродский уни ёқтирмаган. Хусусан, 1987 йилда Евтушенконинг Америка санъат академияси аъзолигиға сайланишини И.Бродский каттик танқид қилган. И.Бродский оғир вазиятлардан ундан ёрдам сўрашдан ҳижолат тормаган ва унинг илтимосларини Евтушенко ҳам ҳеч қачон рад қилмаган.



Суратда: Евгений Евтушенко ўзбек ижодкорлари билан, 1980 йиллар.

Е.Евтушенконинг фавқулодда муваффақиятга эришувиди унинг шеърларидаги соддалик ва туншуларлик, шунингдек, унинг номи атрофида танқидчилар томонидан кўтаришган шов-пушлар ҳам муҳим аҳамият касб этган. Шоир шеърларининг аксариятида образли ташбеҳлар ва киссагўйлик кучли намоён бўлади. У энгил ёзади, кўпроқ сўз ва оҳанглар ўйноқчилигиға эътибор қаратади. Шоирнинг сахналарда ва катта стадионлардаги чикишлари ҳам унга анчагина машҳурлик келтирди. Кўллаб дисклар, аудокитоблар нашр этди ва уларни ўзи ўқиди.

1963 йилда Е.Евтушенконинг номзоди Нобел мукофига кўрсатилган, лекин бунга сазовор бўлмаган. Америкалик шарҳловчи Роберт Шелтон "Нью Йорк таймс" газетасининг 1963 йил 28 октябрдаги сониди ёш шоир Боб Диланни Е.Евтушенко билан таққослаб, уни Американинг "Евтушенко"си деб атагани ҳам бежиз эмас.

Е.Евтушенко жаҳонгапта шоир сифатида дунёнинг кўллаб мамлакатларида бўлган ва таассуротлари асосида кўллаб шеърлар ёзган. Масалан, 1967 йили Португалияға ярим яширин ҳолда саёҳати давомида "Португалча севи" номли шеъри дунёға келган.

1991 йилда дунёни титратиб турган қудратли Совет иттифоқи ўз-ўзидан тарқалиб кетди. Гарчи Евтушенко ўз ижодида эркесварлик, хурфижрликни ёқлаган бўлса-да, даблдурустан собик иттифок тарқалиб кетишини, мамлакатда ҳукм сурган эгасизлик, бошбошдоқликни бирмунча оғир қабул қилган. Ўша давр фожиалари, ҳолатлари унинг кўп шеърларида акс этган. Шоир 1991 йилда Оклахома штати Талса шаҳридаги университет билан шартнома тузиб, оиласи билан Америкаға жўнаб кетди. 2007 йилда "Олимпия" спорт мажмуасида Г.Май томонидан Е.Евтушенконинг шеъри асосида "Ок қорлар" рок операси қўйилди.

2017 йил 12 мартда шоир оғир аҳволда АКШдаги госпиталға ётқизилди. Михаил Моргулиснинг гувоҳлик беришича, у сўнги дақиқаларға ақл-хушини йўқотмаган. 2017 йил 1 апрелда Хиллкрест Тиббиёт марказида (Оклахома штати, Талса шаҳри) шоирнинг юраги уришдан тўхтади. Шоир васиятиға мувофиқ, 11 апрелда унинг жасади Москвадаги Перedelкино қабрстонига, Борис Пастернак ва Виктор Боков қабрлари ёниға дафн этилди.

Е.Евтушенко олтинчи йилға яқин ижод майдониди фаол бўлди. Албатта, шу ўринда шоирнинг Ўзбекистонға, ўзбек халқига ниҳоятда самимий муносабати ҳақида тўхталмай бўлмайди. Бу ҳақда у шундай дейди: "Мен кинода Циолковский ролини ўйнаган одам, инсониятға Мирзо Улуғбекдай олимни берган халқнинг бутун жаҳоний аҳамиятини англамаслигим мумкин эмас. Унинг расадхонаси ёнида турганинға ўғмиш билан келажак орасидаги ришта аллақандай маъхум нарса бўлиб туюлмади ва ўзинг жаҳон

тарихининг бир зарраси эканинги аниқ ҳис қиласан". Е.Евтушенко Ўзбекистонда кўп бўлган, ўзбек шоирларидан, айниқса, Омон Матжон билан дўстона муносабатда бўлган. Уни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби шаҳарларининг қадимий, бетакор ва улугворлигиға ҳамма мафтун этган.

Шоирнинг қуйидаги сўзлари юқоридаги фикримизни янада мустаҳкамлайди: "Буюк Осиё маданияти булоғидан баҳраманд бўлмаган, ўзини европалик деб гурурланидиган бирор кишини том маънода зиёли деб бўлмайди. Бу булоқнинг боши эса — Ўзбекистон маданиятининг — суви тиник ва покиза. Меъморчилик, калк оғзаки ижоди, мусика, халқ хунармандчилиги гўзаллиги — буларда нақадар ўзбекона ўзинға хошлик бор".

Е.Евтушенконинг ўзбек тилида нашр этилган шеърини китоби "Ок қорлар"нинг нашр этилганиға ҳам, мана, кирк йил тўлди. Унинг шеърлари Омон Матжон, Маъруф Жалил, Мирпўлат Мирзо, Абдумажид Азим, Нодир Жонузов ва бошқалар томонидан ўзбек тилиға ўтирилган.

Абдумажид АЗИМ

## УЧ САВОЛГА БИР ЖАВОБ

Аскар ХОЛМЎМИНОВ, Ўзбек миллий академик драма театрининг бош режиссёри



"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида "Бир саволға бир жавоб" рукни остида берилётган материалларни кузатиб келяпман. Унда санъатшунос, режиссёр ва актёрларға алоҳида савол билан мувожаат қилиб, жавоблари бериб бориляпти. Мен аънанани биров бузиб, учта саволға ихчам жавоб ёзишға жазм этдим.

# АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ — МЕҲНАТ

Дастлаб бугунги драматургиямиз борасидаги фикрларим билан ўртоқлашмоқчиман. Марказий Осиё комунис олимлари, алломалари IX — X асрлардаги юзаға келтирган уйғониш даврини эрамиздан олдин яшаб ўтган юнон олимлари асарларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Форобий, Беруний каби алломаларининг кўллаб асарлари юнон олимлари асарларига шарҳ сифатида битилган. Бинобарин, алломаларимиз театр ватани бўлиш қадимги Греция олимларининг саҳна санъати ҳақидаги асарларини ўқимаган бўлиши мумкин эмас. Ибн Рувд ҳам Арастуининг "Поэтика" асаридида "трагедия", "комедия" каби атамаларға даставвал тушуниб етмаган. Кейинчалик асл маъносини англагандан сўнг Ибн Рувд Куръон саҳифалари ва "Муаллақот" юқоридаги атамалар билан тўлиб-тошгани ҳақида айтади. Чунки Арасту маҳияларни "трагедия", дуонбадларни "комедия" деб атаган эди... Рабғузий асарларида, Кошгарийнинг "Девон ул-луғотит турк"ида, Райийнинг "Хамса"сида Марказий Осиё драматургияси унсурлари пайдо бўла бошлади. Жадидлар даврида театр санъати тўла-тўқис қарор топди. Ўзинға бўлган йирик асарларни ўзлаштирган шўро адабиётида драматургия юқсалди. Бирок бугун-чи? Замон ўзгаргани ўз йўлиға, аънана ҳеч қачон бузилмаслиги керак. Айнан шиддаткор замонани буйсундира оладиган асарлар бу зайли ўзгартиришға кодир. Асарларнинг саёзлиги сабаби кўп драматурглар сахнани ҳис этмаслигида, деб ўйлайман. Саҳна асарини фақатгина назарий билимға эға бўлган драматург бўлиб эмас, балки режиссёр, бастакор, рассом, актёрға айланиб ҳам ёзиш керак!

Энди актёрлар масаласиға келсак. Ижтимоий тармоқлар орқали бошқа бир театр актёрлари, умуман олганда улар фаолиятини имкон бориға кузатиб бораман. Кўпларнинг спектакллардаги ижросини кўрганман. Актёрликда ҳамма профессионализм устун бўлиб келган. Бугун сахнада Темур образини ижро этиб, эртаға

"ойна жаҳон" орқали "кўча одамларини" гавдалантираётган актёрлар театр санъатидан узок кишилардир. Шу сабабли ҳам театрда уларнинг ўрни йўқола бошлади. Ташки кўришиш, юздаги ифода, ҳар бир сўзнинг вазифасини англаган, саҳна характери, кўз орқали сўзлаш, риторикани ҳис қила билган, ҳар бир репетицияни онгли равишда ўтказишға ўрганган, асарға нисбатан ўрилли таклиф бера оладиган, энг муҳими, пьесадаги персонажни ўзинға синдира оладиганларина чинакам театр кишиларидир. Шекспир "жинни киши ролини ўйнаётган актёрлар ўзлариға берилган сўздан нариға ўтмасинлар..." деганди. Дарҳақиқат, саҳна бўлар-бўлмас сўз кўшиб айтиладиган макон эмас. Асар иморат қабидир. Ҳар бир иморат машаққатлар билан тикланади. Актёрнинг бу иморатдаги бирор-бир гиштини силжитишға ҳаққи йўқ. Саҳна хурматини сақлай олиш — бу актёрнинг бурчи.

Ҳамкасбарим борасида тўхталадиган бўлсам, аввало, шуни айтишим керакки, ҳозирги кунда ёш режиссёрларнинг кўпчилиги рамзини унутиб қўйишган. Ҳали-ҳамон саҳна декорациясини кераксиз унсурлар билан тиклашға ҳарақатлар бор. Мусика персонаж вазиятиға нумтаносиб танланган ҳолатлар учрайди. Энг ёмони саҳна асарини танлай билишда камчиликлар бисёр ёки камчиликларға бой асар устида ишлаб билиш малакаси шакланмаган. Ёшлик гайратига ишонибми, аксарият ҳолларда асарни ўқиш жараёни қисқа давр ичида ўтилади. Режиссёр тезроқ саҳнаға ўтишға ошиқади. Тўғри, ҳар бир ижодкорнинг ҳам ўз иш услуби бўлади. Бирок биз режиссёрлар бир нуктада бир хил бўлишимиз шарт. Яъни томошабинларға етказиладиган ижод маъсули бутун бўлиши керак. Бу бутунлик асарни ўқиш жараёнида вужудға келади ва мустаҳкамланади, деб ўйлайман. Тўқсон тўққиз фоз меҳнат, бир фоз иктидордан ижод пайдо бўлади, дейишади. Тўғри гап, бизнинг асосий ишимиз — меҳнат.

## КИНО

# ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

"Ўзбекфильм" киностудияси томонидан суратта олинган "Алишер Навоий", "Утган қунар", "Меҳробдан чаён", "Маҳаллада дув-дув гап", "Суюнчи", "Чинор остидаги дуэль" сингарин бадий фильмларни қанча томоша қилмайлик, кўргимиз келаверади. Бу фильмлар қаҳрамонларининг ватанпарварлиги, юқсак маънавияти, одоб-ахлоқи кирралари халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллаган. Дарҳақиқат, кишининг ёшлар тарбиясида ўрни беқиёс. Зеро, фильмлардаги воқеликлар ҳаётимизда учрайдиган ҳолатлардир. Қаҳрамонлар ютуғини кўрсак завқланамиз, орамизда шундай инсонлар борлигидан фахрланамиз. Улар хатоларидан хулоса қилишға ҳарақат қиламиз. Ижобий қаҳрамонлардек яшашға ва ишлашға интиламиз, салбий қаҳрамонлар қилмишларидан ҳазар қиламиз. Кино ҳаётни битта саҳнада ёки декорацияда эмас, балки турли ва ранг-баранг кўринишларда, давр ва масофаларда, кўллаб характер ва шароитларда талкин қилиб беради. Томошбинға фильм сюжетидан ўз хулосасини чиқариб олиш имкониятини яратлади.

Шунинг учун ҳам Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан кино санъатини ривожлантиришға катта эътибор берилмоқда. Хусусан, 2021 йил 7 апрелдаги "Кино санъати ва санъатини янги босқичға олиб чиқиш, соҳани давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини янада тако-

миллаштириш тўғрисида"ги Фармон билан борадаги шахдам олимлардан бири бўлди. Фармон билан кино санъатини жамиятнинг маънавий, маданий-маърифий ҳаётида, жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда стратегик маноба сифатида шакллантириш, кино санъатини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш тизимини бозор тамойиллари асосида такомиллаштириш, шунингдек, хоржий кинокомпанияларини мамлакатта жалб қилиш ва ҳамкорликда ривожлантириш, замонавий ва юқори технология моддий-техник базаға эға инфратузилмани яратиш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Очиги, бир пайтлар киноға ва кино санъатиға эътибор сусайиб кетган эди. Киноэктрларнинг аксарият қисми сотилиб, улар неғизда савдо шаҳобчалари юзаға келди. Айрим туманларда битта ҳам кинотеатр биноси қолмаганди. Натияжада томошабинларнинг ҳам киноға бўлган муносабати салбий томонға ўзгара бошлаганди. Жамиятимизға уяли телефон ва интернет тармоғи кириб келиши фуқароларимизнинг киноға бўлган интилишини сусайитганларини ҳам рост. Энди томошабинларда киноға санъатнинг энг таъсирчан омил сифатида муносабатнинг мустаҳкамланишиға ишончимиз кучайди.

Бизни қувонтирадиган яна бир ҳужжат Президентимизнинг 2021 йил 19 июндаги "Тошкент Халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори бўлди. Унга кўра 1968-1997 йиллар давомида ўтказиб келинган "Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент Халқаро кинофестивали" "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланмоқда. Кинофестиваль 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилиши белгиланди.

Республика кинематография агентлиги Самарқанд вилояти худудий бўлими маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда юқорида кайт этилган тарихий ҳужжатлар ижросини таъминлашға киришган. Ҳозир вилоятимизда 12та кинотеатр мавжуд. Улардан 3таси давлат муассасаси ҳисобланади. Самарқанд шаҳрида "Шарк юлдузи" ва Жомбой туманида "Зарафшон" кинотеатрлари фаолият юритмоқда. Кўшработ туманида битта кинотеатр биноси таъмирланмоқда. Дастурға кўра Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарларида Президент қарорига биноан иккитадан, ўн тўртта туманининг ҳар қайсида биттадан савло-кўнгилоҷар мажмуалар тарқибда 250 ўринға эға бўлган кинозаллар барпо этилади. Самарқанд шаҳрининг Сўғдиёна массиви тарқибда тўртта (430 ўринли) кинозал, Қорасув массивида битта икки



каватли замонавий кинотеатр қурилмоқда. "Самарқанд" кинотеатри (хусусий) биноси туддан таъмирланмоқда. "Шарк юлдузи" кинотеатри реконструкция қилинмоқда. Самарқандлик кино ижодкорлар сўнги йилларда 4та бадий ва 5та қисқа метражи фильмларни суратта олдилар. "Жондан азиз" бадий фильми (2019 йил) "Энг азиз, энг улуғ" шиори остида ўтказилган Республика кўрик-танловида кино йўналишида иккинчи ўринни қўлга киритди. Бугун киночиларимиз ютуқларини мустаҳкамлаш мақсадидида изланиш олиб боришяпти.

Ҳар бир фильм у хоҳ бадий, хоҳ ҳужжатли — хроникал бўлсин, ўзда халқимиз ижтимоий-иқтисодий, сиесий, маънавий-маърифий ривожланиш йўлларини акс эттиради. Бинобарин, кино санъатининг юртимиз таракқиети ва маданий-маърифий ҳаётидаги ўрни беқиёслигини ҳис этган ҳолда соҳа ривожини учун бор имкониятлардан умумли фойдаланишға ҳарақат қиламиз.

**Фармон РОЗИҚОВ,** Республика кинематография агентлиги Самарқанд вилояти худудий бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи

## ГАЗЕТХОН ИЛҲОМИ

# ФАЗО ПАРЧАЛАРИ ЛАНФИМАН ПЛАЙИ

Субҳидан палласи. Кўк гўмбазида Юлдузлар чарғон, қилганимиз шўхлик? Бахт-икбол порлатар ахли башарға, Бунчалар сулув дам, бунчалар кўхлак.

Субухтоҳ керилган тортиб чимилдик, Унда ишваларно нозли нозанин. Жамол бетакор, кўнглим бўлар лол, Ҳар вақт ардоқлайман, тонгининг шу феълини.

Уфққа синглино қуёш излари, Оромбахш, осуда, соқин тун чўқди. Потирлаб очилди юлдуз кўзлари, Бепоев бағримға ой нури тўқди.

Мен ойнинг нурларин юлдуздай сочиб, То сепдим юртимнинг жабҳаларига. Марварид дурларин қалбимға тақиб, Тож қилгум Ватаним қуббаларига.

Осмон. Октом. Уфқ пештоқида Жилваға қорнишан рангин лаҳзалар. Уйрим ўтаётир аниг роҳида, Ўтказдим эил-замбил қанча лаҳзалар.




Фазо парчалари лангиллаган пайт, Қалбимни ёндирар кўриммас хилкат. Дунёмиз ёнамаси, қуймаси хайлот, Ўзинг ярлақатин, она табият.

Кўз. Боғлар шовуллар намхуш шамолдан, Дарахлар буралар, иргншлар, гаранг. Барглари тўқилар, алпонг-талпонглаб, Шамол боз силкитар, боғлар холи танг.

Нам, сархуш япроқлар қилар тўполанг, Гоҳ оёк остида эзилар сарсон. Тунон қун жисмида яшнаб яшил ранг, Бугун супурилар ўртала ҳазон.

Йўлдош МИРЗАЕВ

Галерея: Ўзбекистон халқ рассомни Акмал ИКРОМЖОНОВ ижодидан намуналар



Илқ оқшом (1983).



Самарқанд нони (2020).



Парвоздаги орзу қуши (2020).

Азиз НЕСИН

Роман ёздим. Унга озмунча вақтим кетмади: икки ой – айтишга осон. Кеча-кундуз ўтириб ёздим. Романим зўр чиқди – шундай дейишга уялмасам ҳам бўлади. Қўлёмани бир газета тахририятига кўтариб бордим.

ди. Бошқа нима ҳам қилардим: мен Марк О'Брайн номи америка адабини яратдим. Бу ишни охирига етказгач, яна газета тахририятига йўл олдим. Мени хайрат ва бесабрлик билан кутиб олишди: – Ахир, биз фақат бошқа тиллардан таржима қилинган романларни чиқарамиз дедик-ку!



бўлди, контрабанда билан шуғулланди, маълум бир муддат олтин изловчилар билан ишлади. (Буларнинг бари америкаликлар ҳаётидан сизга таниш тафсилотлар.) Ва охири қирқ ёшида журналга ўзининг "Келинг, қучоқлашамиз" деган биринчи ҳикоясини жўнатди. Ҳикоя тили ва услуби шу даражада нўноқ эдики, ҳатто...

ромианимни қандай чиқардим. Биласизми?

нашриётга олиб бордим. "Сизга бир нарса..." дея гап очиб улғурмасимдан кескин жавоб беришди: "Биз фақат бошқа тилдан ўғирилган романларни чоп этамиз". Сўнг бошқасига йўл олдим. У ҳам рад этди.

ҲАЖВИЯ

энг машхур ёзувчиларидан! Унинг китоблари дунёнинг барча тилларига таржима қилинган.

– Оригинал асарларни чиқара олмаймиз. – Ҳеч бўлмаса, қўлингизга олиб қаранг!

Бу гапдан кейин романимни ўқиб кўришга ҳеч қандай зарурат қолмади. Менга дарҳол ширинкома (аванс) ҳам беришди. Кейин "биргина" нарса илтимос қилишди, ҳоло: китоб ва муаллиф ҳақида қисқагина маълумот тайёрлаш лозим.

– Таржима бўлса бериңг, ўзимизникилар ёзган нарсалар сотилмайди. Қаерга бормайин, бир хил жавоб. Мана, икки ой давомида қотган нон чайнаб ёзган романим, унинг устида тиним билмай ишладим. Асаримга катта умид боғлагандим, аммо ҳеч ким нашр этишга олмади, худди никоҳсиз муҳаббатдан туғилган, мачит дарвозаси олдида ташлаб кетилган боладай. Ана шундай қунарларнинг бирида каллада бир фикр "ялғ" этди. Нима, фаранг, немис, инглиз, италиялик ва бошқа хориж адабларнинг ҳикояларини олиб, улардаги Жонсонларни Маратларга, Марталарни Фотималарга алмаштириб, муқовасига ўз исм-шарифларини ҳафасала билан битиб, журналларда чиқараётган ҳамкасбларим озми? Улар қилган ишнинг аксини қилсам гуноҳи азим бўлармиди?

Мен дарҳол қўлимга қалам олиб ёза бошладим: "Марк О'Брайннинг энг сўнгги ноёб романи "Аёл учун кураш" деб номланган. Америкада машхур бу китоб қирқ миллион нусхада қўлма-қўл бўлиб кетди. Дунёнинг барча тилларига таржима қилинган айни асар ниҳоят "Туянинг калласи" номи билан тилимизга ҳам ўғирилди".

Янги фикримдан қувониб кетдим. Ўтириб романимдаги барча туркча номларни америкачаси билан алмаштиридим. Нью-Йорк харитасини олиб, диққат билан ўрганиб чиқдим. Романимдаги барча жўғрофий номлар ҳам америкача жаранглай бошлади. Ниҳоят, навбат асар муаллифига кел-

Табиики, Марк О'Брайннинг ўзи ким, деган савол туғилади. Айбга буюрмагачисиз, шундай қилиб мен жаноб Марк О'Брайннинг таржимаи холини туздим: "У ўн саккиз фарзандли оиланинг кенжаси эди. Филдольфияда фермерлик билан умргузаронлик қиладиган отаси ундан руҳоний чиқишини орзу қилса-да, қичкинагина Марк ўн тўрт ёшлигиданок топқирчилиги билан ажралиб турар, диншунослик фани профессори ўтирайдиган столга игнани тик қадаб қўйиб, мактабдан хайдалишига эришганди. (Умуман олганда, бу – қўллаб америкалик адблар ҳаётига хос бўлган манзара). Сўнг балиқчи

Нашриёт ходимлари менинг изимдан қолишмайди:

– Илтимос, бизга ҳам Марк О'Брайндан биттагина таржима қилиб бериңг! Мен Марк О'Брайннинг ўн саккизта романини таржима қилдим. Яна умр берса, ҳали кўп асарларини таржима қиламан. Бирок иш шу билан чегараланиб қолган эмас. Джек Леммер номи изқуварни биласиз. Унинг китоблари ҳам доимо қўлма-қўл. Мен унинг олти асарини тилимизга ўтказдим. Кейинги пайтларда таржимонлик фаолиятим доираси яна ҳам кенгайди. Энди мен хинд, хитой ва бошқа қўллаб тиллардан таржима қиладиган бўлдим.

Муҳтарам китобхон!.. Шунини билишингизни истардимки, сиз газета ва журналларимизда турк тилида ўқийдиган ҳикоя, новелла, романларнинг тўқсон тўққизси бошқа адабиётлардан ўзлаштириб олинган. Сизга таржима сифатида тақдим этилаётганлари эса, аслида ўзимизнинг ватандошларимиз томонидан яратилган.

Бу борада мени фақат бир нарса умидлантиради: вақтлар келадики, Америка адабиёти тарихини ўрганаётганлар турк романларини ҳам ўқинишга мажбур бўлади ва менинг ҳақиқий орзуларим ушалади: шунда, албатта, Марк О'Брайн номи билан Америка адабиётида ўз ўрнини эгаллайман.

Рус тилидан Бозор ИЛЁС таржимаси.

QISHLOQQURILISHBANK logo and text: АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" жамоаси барча юртдошларимизни ҚУРБОН ҲАЙИТИ билан муборакбод этади. "Қишлоқ қурилиш банк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!

ДАҚИҚЛИК ЖОЗИБАСИ. Журналистикада "Яхши сарлавха – мақоланинг ярми!" деган тушунча бор. Бу гап фақат журналистика учунгина оид эмас. Одам боласи учун ҳам яхши исм – ярим тақдир, ярим давлат. Журналист Ғайрат Шералиевнинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйида чоп этилган "Дақиқ дақиқалар" китоби чоп этилди.

Табаллуд қилар. Дилбар Икромова – 17 июль – актёр, Ўзбекистон халқ артисти. Дилнавоз Исмаилов – 21 июль – Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актриси. Эркин Комилов – 20 июль (1946) – Ўзбек Миллий академик драма театри актери, Ўзбекистон халқ артисти. Феруза Башарова – 22 июль – рассом, Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси. Музахон Нурматов – 21 июль (1968) – бастакор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси. Ашурмат Мамасолиев – 22 июль (1959) – бадий қўлол, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълоҳис.

Коинот ичра инсон нима? Чексизлик билан қиёслаганда йўқлик, йўқлик билан қиёслаганда борлик, ҳамма нарса ва ҳеч нарса орасидаги ўрталикдир. Блез ПАСКАЛ, француз файласуфи

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, адиб Далахон НУРИЙНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, таниқли шoir Ўткир Раҳматта укаси Махмуд АҲАДОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўzbekiston adabiyoti va san'ati. Муассис: ЎЗБЕКISTON ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ. Бош муҳаррир Салим АШУРОВ. Тахририятга келган қўлёмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтариқмайди. Мухлифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин. Мисъул китоб: Асрор СУЛАЙМОНОВ. Набатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ. Саҳифаловчи: Ниғора ТАСНЕВА. Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адади - 1240. Буюртма Г - 744. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6. ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. Сотувда нархи эркин. ISSN 2303-624X. 772123141000